БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

Ёш ленинчи

1990 йил 6 февраль Сешанба № 25 (13.461). Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

18 февраль—Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига ва маҳаллий Советларга сайловлар куни

«Эл билса бўлди...»

«Номзодларнинг ҳаракат дастури билан танишиб ҳайрон қоласиз. Уларнинг қай бирини амалга оширишга улгуриши мумкин? Халқнинг дарди, ташвиши уларниг ўзларида. Уларнинг қалбига йўл топсангиз, ташвишларга ошно бўлсангиз, шунинг ўзи дастур. Баландпарвоз, ҳавойи гаплар билан халқни ишонтириб бўлмайди».

Риштон ноҳиясидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози комсомол ташкилоти котиби, Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Бахтиёр Мадумаровнинг мулоҳазаси ана шундай. У элга суянади, элнинг ғамини елкасига олишни истайди.


Бахтиёр комсомол-ёшлар билан суҳбат қуришни, уларни янги ташаббусларга бошлашни истайди. Шу боисдир у доимо ёшлар ҳузурида бўлади. Кабинетда ўтириб олиб, телефонбозлик билан шуғулланишни хуш кўрмайди.

— Ҳамқишлоқларимнинг яшаши, турмуш шароитини кўриб, юрагимда оғриқ туради, — дейди номзод биз билан суҳбатда. — Оддий меҳнаткашнинг хонадонида бўлсангиз одамлар учун энг зарур бўлган анжомлар йўқлигини кўриб дилингиз вайрон бўлади. Биргина мисол: қишлоғимиз кишилари пахтадан ёки экинзорлардан оқиб чиқадиган ташламалардан сув ичадилар. Тоза ичимлик суви эса муаммо. Болалар ўлими, турли касалликларнинг кўпайиб кетаётганлиги боиси ҳам ана шунда. Мен ўз ҳаракат дастуримда «Сўх» дарёсидан махсус қувурлар орқали сув олиб келишни илгари сурдим. Тўғри бу шунчаки иш эмас. Аммо халқ шунга талпинса, уддасидан чиқса бўлади.

Сайловчилар билан юзма-юз мулоқот... Дилдан суҳбат қуриш... Ҳар бир учрашувда Бахтиёр Мадумаровнинг номзоди илиқ сўзлар билан тилга олинмоқда, сабаби унга ёшлар ишонч билдиришаяпти. Юрак ташвишларини тўкиб солишяпти.

Шу кунларда Бахтиёрнинг юмушлари кўп. Етакчилик ташвиши... Боз устига сайловчилар юрагига қулоқ солиш лозим. Сиз кўриб турган суратда Б. Мадумаров навбатдаги учрашувга отланяпти.

Аъзамжон МИРЗАЖОН.



* * *

муаллиф суратга олган.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилди

5 февраль куни Кремлда эрталаб соат 10 да КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми иш бошлади. Пленум муҳокамасига КПСС Марказий Комитетининг Партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси киритилган. Бу масала юзасидан докладчи — М. С. Горбачев.

Литва Компартиясининг XX съезди қарорлари муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг аввалги Пленумида муҳокама қилина бошланган масалаларни кўриб чиқиш ҳам давом эттирилади.

(ТАСС).

Танишинг: ВЛКСМ XXI съезди делегатлари

Ёшларнинг ишончли вакиллари

Вилоятлар комсомол конференцияларида сайланган ВЛКСМ XXI съезди делегатлари билан таништиришни давом эттирамиз.

ҚҚАССР БЎЙИЧА:

Абдимажитов Озот — Ўзбекистон ЛКСМ Қорақалпоғистон вилоят қўмитасининг биринчи котиби.

Алибекова Зуҳра — Кегейли ноҳиясидаги Жамбул номли ўрта мактаб ўқувчиси, ноҳия комсомол қўмитаси бюро аъзоси.

Болтаев Фарҳод — Элликқалъа ноҳиясидаги «Қирққизобод» жамоа хўжалигининг механизатори.

Бобоназаров Зиуатдин — Нукус шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котиби.

Бердимуратов Бахтиёр — Қўнғирод ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби.

Жаккаева Улбика — Беруний ноҳиясидаги Махтумқули номли жамоа хўжалиги комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

Жонибеков Максет — Тахтакўпир ноҳиясидаги «8 март» давлат хўжалиги комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

Идрисов Абдураҳмон — Хўжайли ноҳиясидаги карлар жамиятининг ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаси инженер-сантехниги.

Мирзаахмедов Қуролбек — Нукус Давлат дорилфунуни талабаси, «Каскад» байналмилалчи жангчилар клубининг раиси.

Хўжамуратова Санобар — Амударё ноҳиясидаги Беруний номли ўрта мактаб ўқитувчиси, СССР халқ депутати.

Ёқубова Янгилжон — Тўрткўл ноҳиясидаги йигирув-тўқув фабрикасининг ўровчиси, ноҳия комсомол қўмитасининг бюро аъзоси.

МУЛОҚОТ

Яқинда «Ёш ленинчи» газета редакциясига жумҳурият комсомол фаоллари малакасини ошириш институтининг бир группа тингловчилари ташриф буюрдилар.

Ноҳия ва шаҳар комсомол котиблари билан «Ёш ленинчи» газетаси муҳаррири Жаббор Раззоқов ҳамда «Комсомольская правда»нинг Ўзбекистон ССР бўйича ўз мухбири Мирзааҳмад Алимовлар давра суҳбати қурдилар. Суҳбат бугунги кун муаммолари, комсомол-ёшлар олиб бораётган ибратли ишлар, ёшларнинг жамиятдаги ўрни каби масалалар атрофида бўлди. Айни пайтда мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий, воқеалар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари борасида ҳам турли хил фикрлар билдирилди.

Бундай мулоқотлар комсомол ходимлари ҳамда газета редакциялари учун жуда муҳимлигини иккала томон ҳам эътироф этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ВА ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Миш-мишларга ишонманг!

Кейинги вақтда Тошкентда ва республикамизнинг бир қанча областларида туб аҳолига мансуб бўлмаган кишиларга нисбатан гўёки ур-йиқитлар ва зўравонлик хатти-ҳаракатлари бўлиши тўғрисида миш-мишлар тарқалди. Одамлар орасида саросима уруғини сочиш мақсадида қилинаётган бу иғвогарликлар тарқатилаётган варақаларда янада авж олдирилмоқда. Варақаларда дўқ-пўписалар, миллатчилик руҳидаги шиорлар эълон қилинган, турли хил иғвогорона уйдирмаларга зўр берилган.

Шу кунлардаги муайян аҳволни таҳлил этиш ана шу ифлос иғвогарликлар ҳеч қандай асосга эга эмас, деган хулоса чиқаришга имкон бермоқда. Тегишли идоралар варақалар ва миш-мишлар тарқатаётганлар, иғвогарлик ҳаракатлари, тартибсизликларга ундаётган кишиларни аниқлаш ва улар фаолияти пайини қирқиш юзасидан қатъий чоралар кўрилмоқда.

Чунончи, Э. Р. Иброҳимов, Ш. Г. Гусейнов, М. Н. Хайруллаев ва бир қанча бошқа кишилар шундай иш билан шуғулланаётганликлари аниқланди ва прокуратура уларни расмий равишда огоҳлантирди. Миллий адоватни авж олдиришга, турли миллат кишилари ўртасида можаролар келтириб чиқаришга ундовчи варақаларни тарқатиш ҳодисалари юзасидан ҳам қаттиқ текширув олиб борилмоқда.

Республикамиздаги ҳозирги вазият тўла назорат қилинмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жамоатчиликни жамиятга қарши бирор-бир воқеаларининг олдини олиш, уларни келтириб чиқадиган сабабларни бутунлай йўқотиш, ёмон мақсадда миш-мишлар ва варақалар тарқатаётганларни излаш борасида ўтказилаётган ишлар тўғрисида мунтазам хабардор қилади.

Қайта қуришга қарши муайян кучлар ҳамда жамиятга қарши унсурларнинг сафсатабозлик ва туҳмат-бўҳтон йўли билан республикамиздаги аҳволни издан чиқариш, кескинлаштиришга уринишларининг пайи қатъий равишда қирқилади. Ўзбекистон меҳнаткашлари давлат идоралари социалистик қонунчилик ва жамоат тартибига тўла риоя этилишини таъминлаш қувватига эга эканликларига шубҳа қилмасликлари керак.

ДЕПУТАТЛИККА МУНОСИБЛАРНИ САЙЛАЙЛИК

Ҳурматли муҳаррир! Газетангиз саҳифаси орқали конституцион ҳуқуқимдан фойдаланишга кўмаклашсангиз, бу ишдан нафақат мен, балки юзлаб ҳамшаҳарларимиз наф кўрадилар, деб ўйлайман. Мен Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови ҳақидаги Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Қонуни 40-моддасининг 3-бандига асосан депутатликка номзодга қарши ташвиқот олиб бормоқчиман. Гап Тошкент шаҳар 33-Бобур сайлов округи бўйича Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатилган Тошкент шаҳар халқ депутатлари Октябрь ноҳия Совети ижроия қўмитасининг раиси Ҳалима Мелиқўзиевна Усмонова ҳақида.

Мен шу ноҳиядаги Марказ-26, 81-уйнинг 22-хонадонида истиқомат қиламан. Бугунга қадар бизнинг уйимизда (32 та хонадонда) қандай ҳангомалар бўлганлигини ёзиб, газета саҳифасини қораламай қўя қолай. Лекин ҳар гал ижроқўм раиси турли важ-карсонларни кўрсатиб хотиржам юраверишни мени таажжубга солади. Тўғри, ноҳия катта, ташвишлари кўп, ҳар бир оила ўзига яраша муаммолари билан, жоиз бўлса, инжиқлиги билан ўрток Ҳ. Усмоновага мурожаат этади. У кишига ҳам осон тутмайман. Лекин шунча ташвиш ва масъулиятга яна Ўзбекистон ССР халқ депутати зиммасига тушадиган улкан жавобгарлик — оғирлик қилмасмикан! Ҳозирги вазифалари аъло даражада бажарилаётган бўлса ҳам бир навн эди. Баъзи ўртоқлар эндиликда депутатлик мансабдор шахсларнинг лавозимига «қўшиб тақдим этиладиган» ваколат бўлмаслигини тушуниб етмаган кўринадилар. Акс ҳолда сўнгги воқеадан кейин ўртоқ Усмонова ҳеч бўлмаса шу уйга келиб, вазиятдан шахсан воқиф бўлмасмидилар...

Иситиш мавсуми бошланганидан бери (яқинда тугаса ҳам керак) бўш вақтим (кошки эди у шунчалик кўп бўлса) уй-жой бошқармасида (бошлиғи Р. Д. Черноручко, бош инженер Матхолиқов) ўтади. Икки ойдан сўнг яна ҳурматли ўртоқ Ҳ. Усмонованинг қимматли вақтларини олсам уят бўлмас, шунча сабр қилдим-ку, деб шахсан ўзларига қўнғироқ қилдим. Кўнглим (пуч ёнғоққа тўлганини яна 15 кундан сўнг биламан) таскин топди: «Ўз назоратимга оламан» дедилар. Ваъда бажарилавермагач, минг афсус билан яна ижроқўмга қўнғироқ қилдим. Шунга ҳам ўн беш кундан ошди. Уйимизнинг бир томони эса ҳамон музхона.

Сўзимнинг охирида мени газетага мурожаат этишга ундаган оддий ҳақиқатни кўпчиликка яна бир бор тушунтирмоқчиман: шахсан ўртоқ Ҳ. Усмоновага ҳеч қандай ҳусуматим йўқ. Лекин ҳали депутат бўлмай туриб, сўзининг устидан чиқмаётган киши депутат мандатини қўлига олгач, бизнинг арзимизга қулоқ тутишига мен ишонмайман.

Р. РАҲМОНОВА,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

МОСКВАДА МИТИНГ

4 февраль куни Москвада рухсат берилган оммавий юриш ва митинг ўтказилди. Юриш ва митинг қатнашчилари Кримская Набережнаядан Садовое Кольцо ва Горький кўчаси бўйлаб Октябрь 50 йиллиги майдонигача юриб ўтдилар. Ана шу майдонда ўтказилган митингда тахминан салкам 200 минг киши қатнашди. Митингда, жумладан СССР халқ депутатлари В. Коротич, Н. Травкин, Б. Ельцин, Е. Евтушенко, Т. Гдлян, Ю. Афанасьев, РСФСР халқ депутатлигига кўпгина номзодлар сўзга чиқдилар.

Бу тадбирларни демократик кучлар блоки деб аталмиш ташкилот уюштирди, аммо уларда ғоят хилма-хил норасмий бирлашмалар — Москва сайловчилари клубидан тортиб «Социал — демократик партия»гача ва «Мемориал» жамиятидан то «Монархистлар» жамиятигача иштирок этдилар. Юриш ва митинг қатнашчилари таркибининг хилма-хиллиги митингдаги шиорлар ва нутқлар мазмунининг ҳам турли-туман бўлишини белгилаб берди. Амалий, оқилона нутқлар ҳам янгради. Ўта кескин талаблар якдил қўллаб-қувватланишига бўлган умид оқланмади, москваликлар бундай талабларни қўллаб-қувватламадилар.

Бироқ, афсуски, «амалий программаси» доимо такрорланадиган «йўқолсин!» даъвати билан тугайдиган кишилар ҳар ҳолда ўз таъсирини кўрсатдилар. Улар ҳамма нарсани йўқолсин, деб айтишади-ю, амалда жамият учун, қайта қуриш учун ҳеч бир фойдали нарсани таклиф этишмайди. Митингга келганлар орасида ўта кескин нуқтаи назардан гапирган кишилар ҳам бўлди. Улар ўз нутқларида аслида қайта қуриш ва янгиланиш тақдири тўғрисида ўйламай, балки митинг минбаридан жамоатчиликка, ҳокимиятга бевосита тазйиқ ўтказиш учун фойдаланишга қарор қилган экстремистлар сифатида ўзларини фош қилдилар. Улар митингни дастлаб жамиятдаги демократик жараёнларни қўллаб-қувватлашга бағишланган тадбир деб кўрсатишга уринган бўлсаларда, аслида уни тазйиқ ва дўқ-пўписа воситасига айлантирдилар. Ушбу оммавий тадбирга тайёргарлик давомида тўс-тўполонлар ва бебошликлар бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги турли бемаъни шов-шувлар тарқалди. Тўс-тўполонларга қарши кураш эса, энг аввало ўзинг бунга даъват этмасликдан бошланадику ахир. Афсуски, кўпгина нотиқлар барибир бу ҳақиқатни унутдилар. Айрим нутқлар бир қатор гуруҳларнинг сиёсий ҳокимият учун кураш олиб боришга интилаётганлигини акс эттирди. «Қишки саройга ёки Лубянкага ҳужум қилиш» учун етарли миқдорда одам тўпланди, деб даъво қилинди.

Бундай экстремистик пандинасиҳатларни митинг қатнашчиларининг кўпчилиги қўллаб-қувватламади. Айни пайтда намойиш ва митинг дастлаб гўё кўзда тутган олижаноб мақсадлар бошқа томонга буриб юборилганлигини зўравонликка даъватлар қанчалик хатарли эканлигини ва қанчалик олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкинлигини айтмасдан бўлмайди. Бундай ҳаракатларни уюштирадиган кишилар экстремистларча хатти-ҳаракатларга, вазиятни издан чиқаришга даъват этар эканлар, ўз зиммаларига оладиган бутун масъулиятни англашлари зарур. Бугунги кунда мамлакат кимларнингдир масъулиятсизлиги ва гижгижлаши қанчалик қимматга тушаётганлигини яхши билади.

Кўпчилик митинг қайта қуриш сиёсатини қўллаб-қувватлаш юзасидан ўтказилмоқда, деб ўйлаб бу ерга келди. Бироқ митингнинг асосий, ноамалий йўналиши аён бўла бошлагач, одамлар аста-секин тарқала бошладилар.

ТАСС.

Биринчи саҳифага мактуб

Абдулла Набиев сафдоши

Шу кунларда менга «Ёш гвардия» нашриёти бир неча қўлёзмани тақризга берди. Улар орасида Юсуфжон Ҳузурий (Акбаров)нинг «Болалигим — оловлигим» хотира-қиссаси ҳам бор экан. Адабиётчи сифатида Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий домлалар ҳаётига оид саҳифаларда Юсуфжон Ҳузурий номини ҳам бир неча бор учратганман. У кишининг содда, самимий, ҳаваскор қаламкаш бўлганликларидан хабарим бор. Бироқ бу ноёб тақдирли инсоннинг бунчалик катта ва ибратли умр йўлига эга эканлигини билмас эканман. Ўйлайманки, ҳурматли муштарийлар, бу ҳабар Сиз учун ҳам қизиқарли бўлса керак.

Юсуфжон Акбаров Қўқонда туғилган. Бобоси Зоҳидхўжа — маърифатчи, бувиси—Анбар отин машҳур шоира бўлган. Шаҳар ҳокимининг ноиби, чор ҳукумати амалдори Абрамовнинг хотини Екатерина Павловна, айниқса демократик кайфиятдаги қизлари Ануся, Клавалар билан дўст тутингани, улар таъсирида бўлгани учун Муқимий, Фурқатларнинг издоши Анбар отинни Қаломил мингбошининг тўйида бой хотинлар калтаклаб ўлдиришган. Зоҳидхўжа — янги маърифат ташигани учун пинҳона заҳар ичириб, ҳалок этилган.

Акбархўжа (Юсуфжон Ҳузурийнинг отаси) туҳмат билан Сибирга сургун қилинган. РСДРПнинг аъзоси бўлиб қайтган Акбархўжани инқилоб душманлари инқилобдан кейин икки ой ўтмаёқ, хотини, ёш боласи кўзи ўнгида қийнаб ўлдиришган.

Эрта етим қолган Юсуфжонни Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий «Қўқон мусулмон болалар уйи»га етаклаб бориб топширган. Унга оталик, устозлик қилган. Юсуфжон бу ерда Шўро маърифатпарвари Пўлатхон Қаюмов қўлида таҳсил олган. Ҳамза билан алоҳида, Абдулла Набиев билан алоҳида, ўз даврининг ёш фаол комсомоли сифатида махсус хотира суратига тушган. Улар билан яқин алоқасини узмаган.

Клубларда Ҳамзанинг шогирди сифатида пантуркистлар билан баҳслашган. Сиёсий бошқармага кичик ёшидан аъзо бўлиб, босмачиларга қарши кескин кураш олиб бориб, аждодларининг қасосини олган. Шўролар ҳокимиятининг барча ишларида фаоллик кўрсатган.

Булардан ташқари, Юсуфжон Ҳузурий М. В. Фрунзенинг топшириғини аъло даражада бажариб, унинг шахсий совғасини олишга муяссар бўлган. Қўмондоннинг Ҳамза билан қилган бир неча суҳбатларининг ёлғиз гувоҳи у. Севган комсомоли чақириғи билан... цирк ўйинчиси бўлган. Навбатдаги бир операцияда қаттиқ ярадор бўлиб, тузалгач, ЧК (Фавқулодда комиссия)да разведкачилик фаолиятини давом эттирган...

Мана шу одам, Абдулла Набиев, Майна Ҳасановалар тенгдоши ва сафдоши биз билан бирга яшамоқда, бир ҳаводан нафас олмоқда. Биз эса унга эътибор бермаймиз. Ёшларга ибрат бўладиган бу катта ҳаёт сабоқларини олмаймиз. У кишига ўхшаган юзлаб ноёб тақдирли инсонлар ҳаёт йўлини синчиклаб ўрганиб, ёш авлодларга етказмаймиз.

Мен кекса комсомол хотира-қиссасини зўр ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Жонли, тиниқ, образли, бўяббежалмаган лўнда, ҳақиқатга асосланган хотиралар булар. Оловли йўлларни ўз бошидан кечирган табаррук инсоннинг самимий, табиий хотиралари. Кишини ҳайратга соладиган томони шундаки, ўз автобиографик қиссасини тугатиб, муаллиф сифатида унга имзо чеккан Юсуфжон Ҳузурий «Биринчи комсомол» деб қўйишни унутмабди.

Улуғ Ватан уруши ветеранлари саноқли бўлиб бораётган бизнинг кунларимизда Юсуфжон Ҳузурий сингари инқилоб, фуқаролар урушининг иштирокчилари, биринчи комсомоллар деярли қолгани йўқ. Сиз, замонамиз комсомоллари, кашшофлари, ўқувчи-ёшлар, ёнгинангизда, Янгийўл шаҳрида болачақа, невара-чеваралари қуршовида яшаётган табаррук одамни, биринчи комсомолни кўришга шошилинг!

Маҳмуд САТТОРОВ.

Комсомолда ҳисобот ва сайловлар: Қашқадарё

ЎЗ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ЭТА ОЛАДИМИ?

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КОМСОМОЛ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН ҚАЙДЛАР





Ўриндиққа эндигина чўккандик. Таниш комсомол ходимлари ёнимизга келишди.

— Илтимос, танқидий мақола ёзманглар.

Иккимиз ҳам ҳайратда қолдик. Ҳамсуҳбатимиз сездими йўқми ўзига аён. Кутилмаган ҳолда. Ҳали конференция бошлангани йўқ. Олдиндан буюртма қилиб бўлармикан? Мақола қай тарзда ёзилишини. Лекин муносабатимизни ундан яширмадик:

— Қандай ўтса, ўшандай ёзилади.

Ниҳоят, жумҳуриятимиз вилоятларидаги ҳисобот-сайлов конференциялари ҳам ниҳоясига етди. Икки оғиз шу ҳақда. Ошкоралик туфайли муаммолар, тўсиқлар, ғовлар рўй-рост айтилди. Баъзи мулоҳазалар чалкаш, асоссиз. Айримлари жуда юқорида. Қўл етмайди. Келажак йўлимизни аниқ белгилашда балки бу зарурдир. Аммо тилда хайрихоҳ, амалда зуғум қилишдан наф бўлмас. Комсомолнинг мавқеига ҳам, партиянинг жамиятдаги ролига ҳам.

Бу фикр нега туғилди?

Комсомолнинг елкасига залворли юк ортилган. Уни манзилга элтишга қурби етмайди. Сабаби унга сидқидилдан суянчиқ йўқ. Иши тушса ҳаммаси ўзини олиб қочади. Комсомол аъзоси бўлгани учун, уй-жой, моддий кўмак олганларни баъзида излаб сарсон бўласан. Ваҳоланки, бунга муҳтожлар кўп. Энг ачинарлиси, комсомол ходими ҳамма ташкилотларда дастёр. Жамоа хўжалигими, совхоз ёки корхоналарнинг бошланғич комсомол ташкилоти котиби бўлсин, ҳеч маҳал бирон бир комсомолнинг тақдирини ҳал этолмайди. Қўлида имкон йўқ. Раис, директорнинг бир ишорасига маҳтал ишлар ҳатто ноҳия, вилоят, баъзида жумҳурият комсомол қўмиталари томонидан ечимини тополмайди.

Бўяб безаш, ҳақорат эмас бу. Бор нарса. Ҳақиқат. Ҳаётда комсомолнинг мавқеи аскардек экан йиғин ўтказиш, эплаб уддасидан чиқмаган қарор қабул этиш зарурми? Йўқ. Аммо унинг келгусида айтганини қиладиган, илдиздан чиқадиган йўлидаги тўсиқларни унинг тамасилиги керак. Ҳозирча эса унинг фаолиятига бир маслаҳат мос тушади. «Кўрпангга қараб оёқ узат».

Орадан 70 йил ўтибдики, комсомолнинг мавқеи, жамиятда тутган ўрни ўша-ўша. Расмий органдан нари ўтганмас. Ишида ўзгариш сезилмайди. Инкор этолмаймиз. Илгари комсомолнинг ўрни, овози, ўз йўли бўлган. Эндичи? Ҳаммасидан маҳрум. Бўғиқ. «Комсомол суд қилган», «Коммунистни илдан олган». Бариси ўтмишда қолди. Бугунга тасаввурингга сиғдиролмайсан. Комсомол қўмитаси ишлари камчиликлари учун партия қўмитасига танбеҳ беришнинг. Аввсиз комсомолни ноҳақ ишдан бўшатган жамоа хўжалиги раисини муҳокама этишнинг. Бу мумкин эмас. Шундай қабул қилинган. У юмушларни фақат битта услуб орқалигина бажаради. Илтимос! Ўшандаям маврдини топиб. Йўқса балога қолади.

Ўша боис йигит-қизлар бошидан юмуш оқирига етмайди. Ҳаётни, жамиятни поклаш ниятида шаҳдам, баъзида қалтисроқ қадам ташлайдиганнинг, бас йўлини тўсилади. Қайси инсоннинг тазйиқдан сўнг янгиликка хуши келади?!, Комсомолнинг обрўйи тобора тўкилаётган палладаям бу ғовлар тургани инсофдан эмасда. «Йигит-қизлар чўлни ўзлаштиришга юборилсин». Юқорининг бу кўрсатмаси қилиниши шарт. Бироқ, «ўзимиздаям ишлар бир талай», деган комсомолнинг овози бўғиб ташланади. Ҳақиқатни айтган бўлса-да, гуноҳкор. Айби ўзи билан. Партия топшириқларини рад этди.

Шулар ҳақида ўйлаётиб эсга XXI Қашқадарё вилояти комсомол конференцияси бўлаётган залдаги манзаралар тизилади. Аввало таъкидлаш зарурки, бир услуб делегатларнинг эътирозларига сабабчи бўлди. Комсомол Марказий Қўмитасидан борганлар, раҳбарлар бошқа вилоятда бўлгани каби бу ерда ҳам ўз номзодларини ВЛКСМ XXI съездига делегатликка сайлаб қайтдилар. Шартмиди шундай қилиш? Уларга ҳамма вақт имкон борку катта анжуманларда иштирок этишга. Мабодо ўша ўринда бошқа, дунёни қишлоғим деб билган, аммо фикри тиниқ, оддий комсомол ходими сайланса бўлмасдими?! Ёш йигит-қиз Москвага — юқори минбарда бирон нима дея олмаса ҳам хўжаликни юритишни, муомалани, ўзга халқлар маданиятини ўрганиб қайтардику. Келгач қувона-қувона шу ҳақда ўйларди, изланарди. Дўстларига ҳикоя қиларди. Ҳатто комсомол аъзоси бўлганидан фахрланарди ҳам.

Раҳбар комсомол ходимларнинг бўйни ёр берса съездга бормасдан ҳам кўп юмуш қилиши мумкин. Лекин ишчан комсомолнинг йўлини тўсиш...

Энди вилоят комсомол қўмитасининг сайловдан сайловгача амалга оширган юмушлари ҳақида. Таъкидлаш зарурки, вилоятда юз бераётган иқтисодий, сиёсий ўзгаришларга йигит-қизларнинг қўшадиган ҳиссаси сезиларли равишда ўзгарди. Биргина охирги икки йилда комсомол қўмиталари томонидан 33 та ижтимоий аҳамиятга молик ишлар амалга оширилди. Қарши шаҳрида ёшларнинг илмий-техника ижодкорлиги маркази «Альфа» ташкил этилди. Хўжалик ҳисобидаги бу корхонада 12 та ёшлар ижодий коллективлари жипслашган. Уларнинг иш ҳажмлари юқори. 100 минг сўмдан ошади. Худди шундай ёшлар марказидан бири Муборак шаҳрида фаолият кўрсата бошлади. Унинг қошида автомобилчилар мактаби, маиший хизмат тармоғи, уч меҳрли телекурсатувлар мавжуд. Изланиш, вақтни тежаш ҳисобига марказ коллективи томонидан 70 минг сўмлик иш бажарилди. Шаҳрисабзда байналмилалчи «жангчилар» советининг иши ибратли. Унинг ташаббуси ва шаҳар комсомол қўмитаси ёрдамида «Ёшлик» ҳарбий ватанпарварлик клуби ташкил топди. Унинг маблағи, ўз «хазина»си бор.

Вилоятда 300 дан зиёд бошланғич комсомол қўмиталари ўзларининг ижтимоий аҳамиятга молик ишларига эга бўлиб турган бир паллада Қарши ва Нишон ноҳияларида бирорта комсомол қўмитаси ўзининг аниқ иш режаларига эга эмас.

Ҳисоботда яна бир нарса устида тўхтаб ўтилди. Вилоят комсомол қўмитаси бундан бир ярим йил муқаддам вилоят агросаноат комиссиясига «Қаршицелинхлопок» трести билан биргаликда комсомол қўмитаси вакилатини кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилганди. Унда кўтарилган масалаларга бирмунча ижобий муносабатда бўлишди. Ёшлар ёрдам сўраб борганларида комсомол қўмитасидан керакли жавобни оладиган бўлишди. Шу боисдан ҳозирда бу қўмитасига мурожаат қиладиган комсомоллар кўпайди. Афсуски, Қамаши, Чироқчи, Китоб ноҳиялари комсомол қўмиталари мазкур қарорларни хўжаликларнинг комсомол ташкилотларига етказишни лозим кўрмадилар.

Айтмаса бўлмас, комсомол қўмиталари жойларда ҳар доим ҳам тўғри мақсадни кўзлаганлари йўқ. Раҳбарлар билан муносабатда кўпинча шахсий садоқат кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Лозим бўлган паллада ҳам ёшлар манфаатларини ҳимоя этмайдилар. Йигит-қизларни ишдан бўшатиш, уй-жой тақсимоти, ер ажратиш, ўқишга жўнатишда бу ҳол яққол сезилмоқда.

Қайта қуриш, ошкоралик, янгича сиёсат ишлаб чиқаришда, маданиятда, фан ва бошқа тармоқларда ёшларни раҳбар лавозимларга кўтариш йўлини ўтказиш вазифасини қўйди. Ўтган уч йил ичида бу соҳада қандай ўзгаришлар бўлди? Очиғини айтиш керакки, вилоятда бу масалаларга ҳалигача амалий ёндошилмаётибди. Хўжалик, совет органларида — раҳбар ўринларида йигит-қизлар жуда ҳам кам. 1300 номенклатурадаги ходимларнинг фақат 4 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардир. 188 совхоз, жамоа хўжаликларининг биронтасида ҳам ёш раҳбар йўқ. Усмон Юсупов ноҳиясида мавжуд 697 ишлаб чиқариш бригадаларининг фақат 10 фоизига ёшлар етакчи. 24 чорвачилик фермалари бошлиқларининг бирор нафари ҳам ёшлардан эмас. Ҳисобот давомида ижарага ўтиш масалалари, ундаги ғовлар устида ҳам тўхталди.

Ғузор ноҳиясида ёш ишчилар гуруҳи ташландиқ бино ва у ерда мавжуд 300 минг сўмлик ускуналарни ижарага олмоқчи бўлдилар. У ноҳия ремонт корхонасига қарашли эди. Ускуналар қаровсиз, ташландиқ бўлиши ёшларни бироз довдиратиб қўйди. Боз устига ижарачиларга маъмурият томонидан ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмади. Қайтангга сунъий тўсиқлар юзага келтирилди. Баъзида ижарачининг ҳақи икки марта ошириб юборилди. Гоҳида унинг акси. Маълум бўлишича корхона директори Д. Аҳмедов шартномага имзо чеккан бўлсада, лекин у меҳнат коллективи совети томонидан тасдиқланмаган экан. Бундай мисоллар сон мингта.

Ноҳияда яхши, ибратли ишлар ҳам бор. Хўжалик ҳисобидаги «Прогресс» марказининг аъзолари ирригатор олимлар билан ҳамкорликда тиндирувчи фильтр ихтиро этдилар. У сувни бошқа аралашмалардан тозалаб беради. Ҳозирча яккаю ягона ҳисобланган ана шу ускуна Нишон ноҳиясидаги 4-совхозда ўрнатилган. Синовлар эса муваффақиятли ўтди. Мабодо бу ихтиро ҳаётга тадбиқ этилса, вилоят меҳнаткашлари, айниқса, қўриқ хўжаликларида яшовчи аҳоли тоза сув ичадиган бўлишади. «Прогресс»нинг ҳам имкониятлари кенгайиб, давлат буюртмаси олиши ҳеч гапмас.

Албатта, комсомолнинг қиладиган ишларидан яна бири ўз-ўзини назорат қилиш, камчиликларни бартараф этиш хусусида ўйлашдир. Бу борада «Комсомол прожектори» штаби томонидан бир мунча ишлар қилинди. Текширишлар чоғида кишилар ҳақига хиёнат қилиш, чайқовчилик каби иллатлар рўй-рост очиб ташланди. 300 дан зиёд рейдлар ўтказилиб, халқ мулкининг талон-тарож қилинаётганлиги, меҳнат шароити талаб даражасида эмаслиги, савдодаги қўпол хатолар аниқланди. Шаҳрисабздаги консерва заводида ва унинг филиалларида текшириш чоғида аниқландики, меҳнатнинг тўғри ташкил этилмаганлиги сабабли 30 фоизгача мева-сабзавот маҳсулотларининг нобуд бўлишига йўл қўйилган. Вилоят нефть маҳсулотлари корхонасида ҳам шундай ачинарли ҳол.

«Каршистрой» комсомол қўмитаси прожекторчилари томонидан Қарши шаҳар савдо тармоқларида ўтказилган рейд натижасига кўра 7-ишчи таъминоти бўлимида 350 килограмм сариёғ яширилганлиги аниқланди. Хўш, бу текширишларнинг натижаси бўлдими? Афсуски, йўқ. Жуда нари борса харидор ҳақидан уриб қолган дўкончи бошқа жойга ўтказилмоқда. Энг оғир жазо эса ҳайфсан!

Вилоятдаги ташвишли ҳоллардан бири ишсизликдир. Ҳозир ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган ёшлар сони ҳаддан зиёд. Улар 30 минг кишига етди. Уй бекаларига айланиб қолган қизлар ҳам бир талай. Деҳқонобод, Чироқчи, Яккабоғ, Шаҳрисабз, Китоб ноҳияларида аҳвол жуда оғир. Вилоятда ишламайдиганларнинг 60 фоизи шу ерларга тўғри келади. Комсомол қўмиталари ёшларни ишга жойлаштириш имкониятига эга эмаслар. Касаначиликни ривожлантиришга, хом ашё етишмайди. Маҳсулотни реализация қилишда қийинчиликлар, тўсиқлар кўп. Ёшларни ихтиёрий равишда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга юбориш қийинлашмоқда. Бунга сабаблар бор. Йигит-қизлар ўз хўжаликларига қайтиб келмоқдалар. Маҳаллий раҳбарлар уларни нохуш қабул қилишаяпти. Баҳористоннинг ишчи кучлари етишмайдиган майдонларига Китоб ҳамда Шаҳрисабз ноҳияларидан 200 га яқин ёш оила кўчириб келтирилганди. Лекин хўжаликнинг собиқ директорларидан бири йигит-қизларнинг умидини сўндирди. Натижада улар бир йил ўтар ўтмас, ортларига қайтдилар.

Маълумки, ҳозирги даврда ҳар бир халқнинг ўз миллий анъаналарига эътибори кучайди. Бу воҳада ҳам худди ана шундай. Наврўзнинг оммавийлашувига кенг ўрин берилганлиги ёшлар ўртасида умидворликни, аҳилликни рўёбга чиқарди. Боз устига халқимизнинг қутлуғ анъаналаридан бири оғзаки ижодиёт — фольклорга эътиборнинг кучайганлиги мақсадга мувофиқдир. Баҳс-мунозаралар кетаётган бугунги паллада вилоят комсомол қўмитаси ҳузурида араб ёзувини ўрганиш бўйича хўжалик ҳисобидаги тўгарак тузилди. Унда ўнлаб ёшлар илм олишаётибди.

Жамиятимиздаги нуқсонларни бартараф этишда норасмий ташкилотлар билан ҳам алоқа қилиш ўринлидир. Ҳаётнинг сиёсийлашаётгани ошкоралик, демократиянинг ривожланаётганлиги, миллий ўз-ўзини англаш ўсаётганлиги, сиёсий тўқнашувлар комсомолни онглироқ, ҳаётбоп ишлашга мажбур этади. Сир эмаски, замон қалқиб турган бир паллада норасмийлар билан муомалада бўлмасликдан кўп нарса ютқазишимиз табиий. Ҳаёт ғилдирагини қарангки, у айлангани сайин бири иккинчисига ўхшамаган муаммолар юзага қалқиб чиқаверади. Кечагина норасмий уюшмалар билан келишиш у ёқда турсин, номини йўқлаш ман этилган эди. Эндиликда эса у ёки бу тузилмалар билан ҳисоблашишга тўғри келади. Шу боисдан ҳам вилоятда агарда жамиятни, элни, юртни бойитиш нуқтаи назаридан қилинаётган бўлса, норасмийларга кўмаклашишга имкон бор.

Ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарчилик ҳолларининг кун-бакун ортаётганлиги ўта хавфлидир. Лекин ҳуқуқбузарликнинг йўлини тўсишда самарадорлик сезиларли эмас. Биргина ўтган йилдан жиноятчиликнинг ўсиши вилоятда 40 фоизга ошди. Албатта, ёшлар ўртасида. Қарши шаҳрида, Муборак, Чироқчи, Китоб ноҳияларида жиноятчилик кескин ўсаётир. Вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциясида 571 ўсмирнинг рўйхатда туриши фикримиз далилидир. Қарши шаҳрида комсомоллардан жиноят қидирув ва вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича махсус отрядлар тузилган. Биргина Қарши Давлат педагогика институти йигит-қизлари томонидан ўтган йили 27 қонунбузар қўлга олинди. Ўрни келганда айтиш керакки, Косон, Усмон Юсупов, Китоб, Ғузор ноҳияларидан жиноий жавобгарликка тортилган ўнлаб ВЛКСМ аъзолари комсомол ҳисобида турибдилар. Бу ўз-ўзидан комсомолнинг обрўйи тўкилишига, унинг роли пасайишига олиб келади. Нега энди хатоликларга йўл қўйган партия аъзолари коммунист билетларини топширгандан сўнггина жиноий жавобгарликка тортиладилар, комсомолни биров йўқламайди.

Қарши шаҳар комсомол қўмитаси узоқ вақт ягона ўқитувчилар комсомол ташкилотининг тузилишига рухсат этилишини сўради. Бунга розилик билдирилди. Штат ҳам ажратилди. Эксперимент қандай натижа берди денг? Комсомол қўмитасининг масъулиятсизлиги туфайли хайрли иш барбод бўлди. Дастлаб ёш ўқитувчилар ишга ташланиб, ўз ҳимояларини кўрган бўлсалар, кейинчалик бу навбатдаги алдаш эканлигини тушуниб етишди. Бизга ана шу хаспўшлашдан, чалғитишдан наф борми?

Яна бир масала. Ўқувчи ёшлар бригадалари устида турли баҳс ва мунозаралар бўлди. Ҳамон давом этяпти. Аммо фикрлар қарама-қарши. Бири иккинчисини рад этади. Ростдан ҳам ўқувчи-ёшлар бригадаларига эҳтиёж борми? Бизнингча, йўқ. У сунъий ўйлаб топилган. Чунки ундаям пала-партишлик, мурғак танларни чалғитиш фактлари кўп. Айримлари ўша бригаданинг аъзоси эканлигини билмайди. Ҳисоботда айтилишича юқори синф ўқувчилари кўмагида бир ярим миллион сўмлик иш бажарилган. 200 дан зиёд ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари ташкил этилган. Бу — яхши. Лекин масаланинг иккинчи томони бор. Ўша меҳнат-роҳат лагерлари ғурбат лагерларига айланиб қолаяпти. Бригадалар сафида ишлашга ўғил-қизларни мажбур этиш ҳолларини кечириб бўлмайди. Агарда унда рўйхушлик бўлмаса, ишламасин. Китобини ўқисин, дам олсин. Шундоқ ҳам бизнинг жумҳуриятдаги болалар юмушларга қорилиб ётибди. Бош қашишга қўллари тегмайди. У ёққа югур, бу ёққа чоп. Ҳаммаси зиммасига юклаб қўйилган.

Комсомол ташкилотларининг асосий вазифаларидан бири йигит-қизларни ҳаётда актив иштирок этишга чорлаш. Комсомол жамият равнақи учун керакми, йўқми, дейилаётган бир паллада унга мадад лозим! Ўшанда комсомол ўзини асраб қола олади.

* * *

СССР Халқ депутати Санобар РАҲИМОВА фикри:

— Ҳамма ерда бўлгани каби, бугунги комсомол конференциясида ҳам ошкоралик, демократия руҳи сезилиб турди. Комсомол-ёшларимиз ўзларини қийнаётган масалалар ҳақида баралла айтдилар. Бу эса комсомол ишини янада ойдинлаштиради. Унинг ривожига катта ёрдам беради. Айниқса, танқидий фикрлардан етарлича фикр чиқариб олиш зарур.

Ўтган вилоят комсомол конференциясида ҳам иштирок этганман. Албатта, бу икки анжуман ўртасида фарқ сезиларли.

* * *

ВИЛОЯТ КОМСОМОЛ ҚЎМИТАСИ КОТИБИ ЭТИБ САЙЛАНГАН БЕҒАМХОН ҚОРАЕВА БИЛАН СУҲБАТ

— Беғамхон, вилоят комсомолларининг XXI конференцияси ўз ишини якунлади. Унинг биринчи ташкилий пленуми ҳам бўлиб ўтди. Унда Сиз вилоят комсомол қўмитасининг ўқувчи-ёшлар бўйича котиби вазифасига сайландингиз. Ишни нимадан бошламоқчисиз?

— Жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитасида икки йил ишладим. Бу даврда ўқувчи-ёшлар, талабалар масалалари билан шуғулландим. Шу боис, бу соҳа мен учун сир эмас. Аввало, вилоятда мазкур соҳа бўйича нима ишлар қилинганлиги, қилинмоқчи эканлиги билан танишиб, бошласам, деган ўйдаман. Шаҳар, ноҳия комсомол етакчилари билан учрашиб, маслаҳатлашиб оламиз.

— Сиз вилоят комсомол конференцияларида бир неча бор иштирок этгансиз. Бугунги конференция билан улар ўртасида фарқ борми?

— Тўғри, Қашқадарё вилоятининг XVIII, XIX комсомол конференцияларида делегат сифатида қатнашганман. Фарқ бор, албатта. Буни инкор этиш қийин. Ўз-ўзини мақташлар, кўкка кўтаришларга чек қўйилди. Эътибор берган бўлсангиз мафкура ҳамда ўқувчи-ёшлар бўлимлари номига бир қанча танқидий фикрлар билдирилди. Таклифлар айтилди.

Аввал, вилоят комсомол конференцияларида қарорлар, резолюциялар қабул қилинар эди. Бу сафар бу сийқа усулдан воз кечилди. Конференцияда комсомол қўмитасининг 1990-1992 йилларга мўлжалланган аниқ қилинадиган ишлар программаси эълон қилинди. Бу менинг ҳам программамдир.

Муҳаммад АМИН,
Қурбон ЭШМАТ,
«Ёш ленинчи»нинг махсус мухбирлари.

* * *

Суратларда: минбарда Қашқадарё вилояти комсомол қўмитаси биринчи котибаси Муҳаббат Саидмуродова; конференция қатнашчиларидан бир группаси.

Муаллифлар суратга олган.

Иқтисод ва ҳаёт

Павел ВОШЧАНОВ.

БОЗОРДАГИ ОДАМ

— Бозорга асосланган иқтисод мамлакат ичкарисига капиталнинг эркин кириб келишини, уларни эркин четга чиқаришни ва четдан олишни тақазо этади. Бироқ, бизнинг конверсияланмайдиган сўмда бу муаммони қандай ҳал этиш мумкин! Бозорга асосланган иқтисодни яратишда бу енгиб бўлмас тўсиқ вазифасини ўтамасмикин!

— Валюта муаммоси ҳақиқатан ҳам жиддий муаммо. Уни ҳал этмай туриб чет элликлар ўз капитали билан келади деб ўйлаш гўлликнинг ўзгинасидир. Хом ашё билан тўлаш ҳозирги замонда мақбул бўлмаган йўлдир. Муаммони қандай ҳал этиш мумкин? Фикримча, икки хил валюта системасини жорий этиш керак. Мавжуд сўм билан бир қаторда махсус янги банк ташкил этиб, муомилага конверсияланган сўмни ҳам чиқариш керак. Бироқ, бу муаммонинг бошқа томони ҳам бор: валютани қандай сарфлаш керак? Ҳозир сизлар техника ва технология сотиб олишга зўр беряпсизлар. Мен бўлсам унга бу қадар катта эътибор бермаган бўлардим. Ҳозир сизлар учун энг муҳими шўро мутахассисларини хорижга юбориб ўша ерда бозорда ишлаш принципини ўргатишдир. Худди шу йўсинда оммавий тарзда СССРга ғарблик ишбилармонларни «импорт» қилишингиз лозим. Токи, улар сизларнинг ходимларингиз билан ёнма-ён туриб ишлаб чиқариш ва тижоратдаги бутун тажрибаларини ўргатишсин. Бугунги кунда деярли бутунлай бой берилган бозор муҳитини қайта тиклаш зарур.

— Хориждан СССРга таклиф қилинган ишбилармонлар ва тижоратчилар ҳақида гапирганда сиз америкаликларни назарда тутяпсизми!

— Фақат уларни эмас. Дарвоқе, сизлар учун италияликлар билан тил топишиш осонроқ. Ишлаб чиқаришни умумлаштириш соҳасида улар сизларга яқинроқ туришади. Бундан ташқари ширкат корхоналарини тузиш борасида ҳам улар яхшигина тажриба тўплашган. Япония билан ҳамкорлик қилиш ҳам фойдали бўлур эди. Ғарбда ҳам СССРда бўлгани сингари ўзига яраша бюрократлар бор ва кўпгина масалалар ҳал бўлиши қийин, Японияда эса бундай эмас. Уларга бугун нимадир таклиф этсанг, эртасига тадбиқ этилган бўлади. Ўйлашимча, яқин ўн йилликлар ичида бу мамлакат ишлаб чиқаришда байроқдорлик қилади — жаҳон иқтисодий тараққиётининг илдизи шу ерда. Яна бир масала — Ғарбдаги рус муҳожирлари. Улар катта таъсир кучига ва капиталга, тафаккур қудратига эгадирлар. Эски муҳожирлардан аксарияти Россия билан ҳамкорлик қилишни исташарди. Ана шундай алоқа ва имкониятдан воз кечиш ақлданмикан?

— Бундай алоқалар кенгаяди, деб ўйлайман. Яқин орада мамлакат Олий Совети СССРдан чиқиш ва СССРга кириш тўғрисида Қонун қабул қилади. Ўшанда кўпгина муаммолар ҳал бўлади.

— Бироқ валюта муаммоси ҳал бўлармикин? Шўро кишиси қайси маблағ ҳисобига чет элга боради?

— Албатта, осон эмас. Гарчи шўро деҳқонларида бундай имконият пайдо бўлган бўлса-да. Яқинда режадан ташқари топширилган маҳсулот учун қатъий валюта тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

— Бу ҳақда эшитгандим. Жуда яхши! Лекин мен амалий иш тарафдориман. Шу боис механизм қандай ишлашини билмоқчи эдим. Сизлар деҳқонга валюта бердингиз, бу албатта, яхши. Аммо у буни нима қилади, қаерда ва қандай ишлатади? Ахир унга доллар эмас, маҳсулот керак! Сизлардаги тақсимлаш системаси эса кўнгилни айнатар даражасида. Бу ҳолда одамлар ҳеч қачон ўзларига керакли нарсага эга бўлолмайдилар. Умуман олганда, мен шундай тасаввур қиламан: сизлардаги қишлоқ маъмуриятчилари эртами-кечми мазкур валютани марказлаштиришни (гўё келинг, ҳаммасини «умумий қозонга» ташлаймиз ва ҳамжиҳатлик билан сарфлаймиз!) таклиф қилишади ва юқоридан туриб барча валюта масалаларини ҳал этадиган ҳамда... ғояни гўрга тиқадиган махсус давлат хизмати ташкил этишни таклиф қилишади. Муаммони бошқача ечиш мумкинми! Ғарбдаги савдо корхоналари билан шартнома тузиш, рус тилида минглаб, юз минглаб жадвал тузиш, улардан қандай фойдаланишни тушунтирган ҳолда деҳқончилик хўжаликларига жўнатиш керак. Ўз валюталари билан тўғридан тўғри бозорга чиқишсин! Бунда ҳеч қандай мураккаблик йўқ, энг асосийси, яна ниманидир яратиш керак эмас — бу система сизга таниш бўлган «Маҳсулот — почта орқали» системаси бўйича ишлайди.

Агарда сизлар мамлакатга четдан кўплаб маҳсулот олиб келсангиз-у, уларни эски таъминот ва савдо органлари тақсимлайдиган бўлишса, ишончим комилки, улар истеъмолчиларга етиб бормай, «чайқов бозори»га чиқади. Янги, бозор механизми зарур. Айниқса, Ғарб корхоналарининг савдо жадвалларини СССРда тарқатувчи, шўро истеъмолчилари буюртмасини қабул қиладиган ва етказиб берадиган биргаликдаги корхоналар яратиш истиқболли. Бундан ташқари сизлардаги «савдо-хизмат кўрсатиш мафияси» валюта ишлаб топган ва уни ўз истагига кўра ишлатмоқчи бўлган кишилар ва корхоналардан «солиқ» олиш имкониятидан маҳрум бўларди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда кўпчиликни бозорга асосланган иқтисод яратиш тўғрисидаги фикрнинг ўзиёқ чўчитмоқда. Негаки, гап фақат эски ғоявий ақидалардагина эмас, аксарият бу нарх-навони кўтариб юборади ва оқибатда турмуш кечириш қийинлашади, деб ўйлашади.

— Ишончли, асосланган нархсиз бозорни яратиб бўлмайди. Ўйлашимча, уларни қайта кўриб чиқишдан ўзга илож йўқ. Ҳамма гап уни қачон ва қандай ўтказишда... Айтингчи, сиз мамлакатингиздаги бозор арзон деб ўйлайсизми? Сиз энг муҳим маҳсулотлар нархини олингда, ойлик иш ҳақингизнинг неча фоизини ташкил этишини ҳисобланг. Ишонтириб айтаманки, сизларда турмуш кечириш бозорга асосланган иқтисодли кўпгина мамлакатларга қараганда қимматга тушишини кўрасиз. Лекин аҳоли буни ҳис этмайди. Нега? Негаки пештахталар бўш бўлганида иш ҳақи катта роль ўйнамайди. Сиз қиммат бўлса-да, нимадир сотиб олганингизга хурсанд бўлаверасиз. Ғалати ҳол, дўконда деярли маҳсулот бўлмаса ҳам аҳоли унинг нархи ошишидан қўрқади! Мен ғоят ташвишли ва мураккаб муаммо — СССРда нарх-навони ислоҳ қилиш ва қайта белгилаш тўғрисида гапирмоқчи эмасман, бироқ фикримни тушунишингизни истардим: бозор механизмини жорий этишдан аҳоли ҳали зарар кўргани йўқ. Бироз қиммат бўлса-да, маҳсулотга тўла бозор ҳеч нарса бўлмаганидан афзалроқ. Бундан ташқари инсоният қимматчиликка қарши курашнинг жуда кўп йўлларини ишлаб чиққан. Афтидан, бу тажрибани ҳам ўрганиш зарур.

Кам таъминланганларнинг ижтимоий ҳимояланганини тўғрисида. Уларга алоҳида ёрдам бериш зарур. Хўш, сизлар буни қандай амалга оширмоқчисизлар? Қўшимча ҳақ бериш ва ижтимоий паст нархлар билан. Аммо сотувда ҳеч қандай, айниқса, арзон нархли маҳсулот йўқ, Демак, инфляция ҳар қандай қўшимча ҳақни ўша заҳоти «ютиб» юборади. Пул билан эмас, нақд маҳсулот билан ёрдам бериш керак. Айтгандай, кўпгина мамлакатларда худди шундай қилишади. Яна шуни ҳам айтиб қўяйки, бу муаммони бозор билан қориштирмаслик керак, агарда сиз унинг ишлашини истасангиз.

— Шу муносабат Совет Иттифоқининг аҳоли учун кўплаб маҳсулотларни хориждан келтираётгани тўғрисида нима дейсиз! Аксарият иқтисодчиларимиз бунинг мақсадга мувофиқлигини таъкидлашмоқда.

— Мен ҳам уларнинг фикрига қўшиламан. Ўйлайманки, яқин бир неча йил ичида истеъмол маҳсулотларини четдан олишга мажбур бўласизлар. Бусиз турмуш даражасининг тушишини тўхтатиб бўлмайди. Вақтдан ютиш ва иқтисодни бозор асосига ўтказиш учун имконият яратиш керак. Лекин мен қимматбаҳо маҳсулот харид қилишга қаршиман. Бу аҳолининг ғазабини қўзғатади ва шу йўл билан инфляцияни «тизгин»ламоқчи эканлигингизга уни ҳеч қачон ишонтира олмайсиз. Киши кундалик ҳаётида ишлатадиган, майда-чуйдалар бўлса ҳам майли, нарсаларни олиш керак. Бундай маҳсулотлар Ғарбдаги бозорда жуда арзон туради ва уларни кўплаб харид қилиш мумкин. Нима учун? Шунинг учунки, аҳоли иқтисод тиклана ва фойда бера бошлаганини ҳис этсин. Дўкон пештахталарида қимматбаҳо видеосистема пайдо бўлганидан одамлар хурсанд бўлишмайди ва бу уларда ишлаш истагини кўпайтирмайди. Одамларга яхши, сифатли маҳсулот кўрсатсангиз улар уни сотиб олиш учун ҳар қанча ишлашга тайёр бўлишади. Бу бозорнинг букилмас қонунларидан бири! Назаримда, яна бир муҳим фикр: бой ва тўкин пештахта қайта қуришни қўллаб-қувватловчи асосий омил. Охир оқибатда ҳар қандай инсон ўзим ҳам, болаларим ҳам озгина бўлса-да, бахтиёр бўлсак, дейди... Бироқ, бу энди бозор қонуни эмас, ҳаёт қонуни.

(«Комсомольская правда» газетасидан).


(Охири. Боши ўтган сонда).

4

5

XX аср кундалиги

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА



Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,

«Ёш куч» журналининг бўлим мудири.

АДОЛАТ ПИЛЛАПОЯСИМИ?

Жумҳуриятимизда энг илғор ва энг муносиб деб топган кишиларимизга даҳлдор маълумотларни Москвага йўллаймиз. Маълумотлар Улуғ пойтахтнинг мўътабар идораларида тасдиқланса хўп-хўп, тасдиқланмаса, демак БИЗ ўзимиз илғор ва муносиб деб топган вакилларимиз илғор ҳам эмас, муносиб ҳам!... Халқимизнинг ишонган вакилларини пойтахтга жўнатаяпмиз... Халқимиз шаънига адоқсиз иснодлар келтираётганларни ҳам пешма-пеш жўнатиб турибмиз энди...

Бу қандай ҳол? Яхшимизни ҳам, ёмонимизни ҳам фарқига бормай қолдикми ўзимиз?.. Адолат пиллапоясининг учи Московда-ю, пойи Тошкандами ё? Наҳотки, мамлакатимиз адолат пиллапояси бўйича табақаларга ажратилса ва шунга кўра, мисол учун, Тошкент ё Тбилисидаги адолат мезони Москвадаги адолат мезонидан фарқланса?..

Қайта қуриш шарофати билан жумҳуриятимизда муҳитни соғломлаштириш ва кадрларни жой-жойига қўйиш кампанияси айни авжига минган 86-87-йиллар Сурхондарё вилояти Сариосиё ноҳиясидаги «Коммунизм» совхозида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа юз берди. Буни қарангки, хўжаликка қарийб 40 йил раҳбарлик қилган Бобомурод Омонов жиноятчи эмиш! Хўжалик махсус тафтишчилар гуруҳи томонидан 7-8 ойлаб қайта-қайта ўрганилди. Б. Омоновга қўшиб қора курсига ўтказилган 9 нафар ишчи-хизматчи устидан бошланган суд 10 ой давом этди. 400 дан ортиқ гувоҳ кўргазмаси тингланди. Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзоси Амирилло Раҳмонов таъбири билан айтганда «айблов ҳукмидаги жиноий ҳаракатлар тасдиқланмай қора курсидагилар эрта ё индин озодликка чиқарилади» деб турилган кунларнинг бирида... Б. Омонов қамоқхонада тўсатдан вафот этди. Суд ишни такрор терговга қайтарди. Хўжаликни яна тафтишчилар босди, қаралсаки, ҳаммаси жой-жойида, ҳеч қандай жиноят аломати йўқ — аввалги текширувларда «андек янглишмовчилик» бўлган экан...

Мазкур жиноят (агар жиноят десак, айбдорларни бошқа томондан излашга тўғри келади!) тафсилоти ёстиқдек китобга ҳам жо бўлмайди, лекин шу ўринда бир нарса хусусида тўхталишга тўғри келади: ёнимизда яшаётган ОДАМни яхши-ёмон деб хат ёзишлар, шаҳарма-шаҳар кезишлар хусусида!

Б. Омонов ва бошқа «коммунизм»чилар иши бир гуруҳ адолатпешаларнинг шикояти билан бошланган ва бу шикоятлар ўша кезларда қамчисидан қон томизиб жумҳуриятимизни «тозалаётган» гдлянчи терговчилар отряди аъзоларига жуда қўл келган.

— Омонов мени ишдан ҳайдаганда, — деб ҳикоя қилди шикоятчилар гуруҳининг отахони, «Коммунизм» совхозининг бош агрономи Фатто Муҳаммадиев. — Тошкентга бориб цеканинг эшигида 13 кун ўтирдим. Натижа бўлмади. Москвага бордим. Бош прокурорнинг ёрдамчисига арз қилдим. Ишга тикландим. 15 кун ишламасимдан Омонов яна ҳайдади. Яна Москвага бордим. 22 кун деганда Лигачев қабулига кирдим...

Мазмуни Ф. Муҳаммадиевнинг назарида Б. Омонов ноҳақ, буни тасдиқлатиш учун у Москвадаги МК қабулхоналарида ойлаб ётиб олишдан ҳам қайтмади. Лекин Б. Омонов ҳам ўзича ҳақ. У туҳматчилар исми-шарифини кўрсатиб уларни қораламади, фақат тергов адолатли олиб борилишини сўраб аввал Тошкентга, Москвага, сўнг... Бош котибга мактуб йўллади.

— Отамизнинг ишини холис текширишларини илтимос қилиб бормаган жойимиз, бош суқмаган эшигимиз қолмади, — дейди ака-ука Султонмурод ва Олимжон Омоновлар. — Тошкентнинг, Москванинг энг олий идораларига шикоят жўнатганимизни икки-уч кун ўтмай отамизнинг терговчиларидан эшитардик...

Кўряпсизми, бировни ёмонотлиқ қилмоқчи бўлсак ҳам, адолат ўрнатмоқчи бўлсак ҳам пойтахтдан нажот кутамиз. Нега шунга одатланганмиз? Ахир Б. Омонов билан Ф. Муҳаммадиев 30 йил бирга елкама-елка ишлаган одамлар, наҳотки, уларнинг қай бири ҳақу, қай бири ноҳақ эканлигини Тошкент ё Москва ҳал қилса? Наҳотки, келишмовчиликларни ўша жойнинг ўзида бартараф этишнинг иложи топилмаса?!. «Мен сенга кўрсатиб қўяман!» деб муштимизни дўлайтирамиз... «Москвагача борсам бораман — айтганимдан қолмайман!» деб дўқ урамиз... «Ўзингники ёт деса, ётда меҳр қолурми!» деган ҳикмат мағзини чақмаймиз...

Савол туғилади: Ўзбекистоннинг овлоқ бир қишлоғидаги аҳволни 3 минг чақирим олисдагилар қаердан билади? Бордию, адолат пиллапоясининг учи ўша ерда бўлган тақдирда ҳам Сариосиёдаги аҳвол билан таниш бўлмаган москваликлар можарога нечоғли холис ечим топиб бера олардилар? (Воқеанинг интиҳосидан ҳам кўриниб турибди бу!)

Йўқ, биз қилаётган ишимизнинг бу томонларини ўйламаймиз. Уйимиздаги шармандали иркитларимизни пойтахтгача кўтариб боришдан, бутун мамлакатга кўз-кўз қилишдан тортинмаймиз. Али ё Валини амаллаб бадном этамиз-да ўзбекнинг, Ўзбекистоннинг номини булғаганимизни хаёлимизга келтирмаймиз...

Бундай мисоллар тоғ-тоғ бўлиб ётибди.

Маҳалламизда беш-олти ҳовлидан эни бир қулочли арикча ўтади. Ундан ер юзидаги жамики ахлат «намуна»лари оқиб келади, осмондан тўрт томчи ёмғир тушса сув ҳовлига, ертўлаларга тошгани-тошган. Ишонсангиз, хонадон эгалари нақ 15 йилдан буён зиғирча ариқни ёполмай ё унинг нишабини жўнаштиролмай жонлари ҳалак! Уни на Собир Раҳимов ижроия қўмитасидагилар ва на Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармасидаги мутасаддилар бартараф қилишга бош қўшадилар (чунки ариқ уларнинг ҳовлисидан ўтмайди-да!). Кунларнинг бирида саксонни қоралаган отахон чақириб қолдилар. Авзойлари бузуқ,

— ООНнинг адресини бер, ўғлим!

— Қаерни? — ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти боракану!.. Ариқни ёпиш ҳақида ёзмаган ўшат қолди, зора арзимизга қулоқ солса?!

Ана холос! Адолат пиллапоясининг учи янаям юқорида экан-да, бундан чиқди!.. Мен зинҳор қўшни отахонни қоралай олмайман, негаки, бу яқин-атрофда у киши арз қилмаган даргоҳ қолмаган...

Гап кам-кўстни хас-пўшлаш, яшириш эмас, уни ЖОЙИДА бир ёқлик қилиш тўғрисида боряпти. Ҳамма гап, ҳамма надомат ўзимизга келиб тақаляпти. Фикр мустақиллигига, фаолият мустақиллигига, масъулият мустақиллигига бориб тақаляпти! Ўз уйи, ўз ери, ўз тақдири, ўз ор-номуси бўлган, виждону қадриятларини ўзгаларникидан камситмаган халқ адолатни осмондан изламайди, адолат тиланчисига айланмайди, ахир! Адолат пиллапоясининг пойгагида ўралашиб юришни ўзига иснод деб билади, аксинча халқнинг ўзи, шу халқ масъулларининг ўзи адолат тимсолига айланади!

Тошкентдаги «Семурғ» фирмаси (илгариги ўйинчоқлар фабрикаси)нинг Риҳсихон Раҳматуллаева бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари ишлаб чиқараётган ўйинчоқлар шаҳримиз болаларига манзур бўлаяпти.

СУРАТДА: илғор комсомол-ёшлар бригадаси етакчиси Р. Раҳматуллаева ўйинчоқларга безак берувчи С. Гизатулина билан иш устида.

Суратчи: Ҳ. СОЛИҲОВ.



МАМЛАКАТИМИЗДА



Турғун НАЗАРОВ,

«Ёш ленинчи» газетасининг масъул котиби.

ТЎСИҚЛАР

ЯНГИ, 1990 йилнинг дастлабки ойига ҳам якун ясадик. Назаримда куни кеча бир биримизга Янги йилда янги-янги муваффақиятлар, бахт-иқбол, тинчлик, саломатлик тилагандаймиз. Ҳа, ҳар бир байрамни биз ана шундай кутамиз, эзгу орзу-истаклар билан нишонлаймиз. Бироқ хаёл бошқа-ю, ҳаёт бошқа деганлари рост экан. Буни январнинг иккинчи ярмида Кавказорти жумҳуриятларида, авваламбор қардош Озарбайжонда бўлган фожиали воқеалар яна бир бор исботлади. Меҳнаткаш ва меҳмондўст озар дўстларимиз бошига тушган кулфат ҳар биримизнинг қалбимизни ларзага солди.

Бу фожианинг сабаби нима, айбдори ким?

Яна ўша мангу савол, ҳар доимгидек яна биз фожиа юз бергандан сўнг унинг сабаби ва айбдорини ахтарамиз. Ишончим комилки, яқин кунларда сабаблар аниқланади, айбдорлар қора курсига ўтиради. Аммо, нима учун бу фожианинг олди олинмади деган яна бир мангу савол ҳам борлигини унутмайлик...

Агарда масалага худди шу нуқтаи назардан ёндашсак, сабаблар бир қадар ойдинлашади. Эсингизда бўлса, 1987 йилнинг охири ва 1988 йилнинг бошларида Тоғли Қорабоғда арман ва озарлар ўртасида миллатчилик асосида низо чиққанди. Учинчи йилдирки унинг тўхташидан дарак йўқ. Бу орада ҳам маҳаллий, ҳам марказий раҳбарият томонидан бир қатор қарорлар қабул қилинди. Иккала жумҳурият Арманистоннинг ҳам, Озарбайжоннинг ҳам оммавий ахборот воситалари, турли даражадаги ташкилотлар, уюшмалар можарони келтириб чиқаришда бир-бирларини айблайвердилар. Оқибатда икки халқ ўртасидаги ўзаро ишончсизлик, адоват кучайди. Минг-минглаб одамлар Озарбайжондан Арманистонга, Арманистондан Озарбайжонга қочишга мажбур бўлишди.

Афсуски, қочоқларга ўз вақтида етарли даражада ғамхўрлик кўрсатилмади. Улар ойлар давомида бошпанасиз ва сармоясиз қолишди. Бу эса тутаб турган оловга мой қўйиш билан баравар эди. Бокудан келган қочоқлар ўз бахтсизликларини бу ерда яшовчи арманлардан кўришди. Ур-йиқит, қувғин қилиш бошланди. Арманистонда ҳам худди шу аҳвол эди. Боку, Ереван, Степанакерт, Ганжадан олинган хабарлар худди уруш йилларидаги хабарларни эслатади. Ўзини Ганжа шаҳар фирқа қўмитаси мафкура бўлими мудирининг ўринбосари дея таништирган Косумов бу воқеаларни икки жумҳуриятнинг мустақиллик учун кураши деб изоҳлаган: «Халқ ўз озодлиги учун курашмоқда, бундан буён ҳам курашади» деган у «Красная звезда» газетасининг мухбирига қўнғироқ қилиб. Қизиқ, арманлар озарларни бўйсундирганми ёки Озарбайжон Арманистонни босиб олганми? «Мустақиллик учун кураш» кимга қарши қаратилган ўзи?

Билмадим бу кураш кимга қаратилган экан. Уни озодлик учун деб аташ ҳам тўғри бўлмас. Лекин шу нарса аниқки, бу курашдан на озарлар, на арманлар ютади: зеро бу икки халқ учун ҳам миллий фожиадан бошқа нарса эмас.

Юқоридаги воқеаларнинг сабаблари тўғрисида гап кетадиган бўлса зўр бериб ҳаммасини миллатчилик билан изоҳлашмоқда. Миллатчиликни келтириб чиқараётганлар эса Халқ фронтлари деб айбланмоқда. Бу ҳам вазиятга бир томонлама ёндошишдир.

Лекин каминани бундай ноўрин айбловдан ҳам кўра кўпроқ тарих сабоғини унутганимиз, яъни 1962 йил Новочеркаскда бўлган воқеани эсламаслигимиз ташвишлантирмоқда. Бинобарин, худди шунинг учун ҳам, яъни эсламаслигимиз учун ҳам назаримда ҳамма айб норасмийларга ва расмий норасмийларга ағдарилмоқда. Ўшанда ҳокимият тепасида сталинизмнинг жирканч башарасини биринчи бор фош этган Никита Сергеевич Хрушчев турарди. Табиийки унинг сиёсати содиқ сталинчиларга ёқмасди ва нима қилиб бўлсада Хрушчевни ҳам, у юргизаётган сиёсатни ҳам обрўсизлантиришга ҳаракат қилишарди. Тан олиш керакки, улар Никита Сергеевичнинг хатоларидан усталик билан фойдаланишди. 12-13 ёшимда тонг соат беш яримда нонга навбатга турганим сира ёдимдан чиқмайди.


Афсуски озиқ-овқат тақчиллиги фақат Тошкентда эмасди. Бутун мамлакатда, жумладан Новочеркаскда ҳам аҳвол шу эди. Ўз-ўзидан маълумки, бу меҳнаткашлар норозилигини уйғотган. Новочеркасклик ишчилар ҳам ҳақли талаб билан тинч намойиш ўтказиш учун кўчага чиққанларида эса уларни танклар ва автоматчилар қарши олишган... Шубҳасиз бу ҳодиса Хрушчев учун катта «минус» бўлган ва орадан икки йил ўтар-ўтмас уни «вазифасидан озод қилишди». Лекин бундай «минус» фақат бир марта ва фақат Новочеркаскда бўлганмикин? Шу боисдан ҳам кейинги йилларда бизда «миллатчиликнинг тобора кучайиб бораётганлиги» аслида қайта қуриш сиёсатига қарши қаратилмаганмикин, деб ўйлаб қоламан.

Ҳа, қайта қуриш ғоят қийин кўчмоқда. Шуниси қувончлики, мамлакатимиздаги бўлаётган ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришларда Болтиқбўйи «пешқадамлик» қилаётган бўлса-да, бу ердан биронта бўлсин одамнинг бурни қонагани тўғрисида хабар эшитмадик. Яна бир диққатга сазовор воқеа шуки, Волгоград, Тюмень, Чернигов вилоятлари фирқа қўмиталарининг бюролари тўлик таркиби билан истеъфога чиқишди. Бу қайта қуришнинг тобора чуқур илдиз отаётганидан далолат. Қани энди мамлакатимиздаги барча ноҳия, шаҳар, вилоят фирқа қўмиталари ўз фаолиятларига ана шундай танқидий муносабатда бўлишса. Бу комсомолга ҳам ижобий таъсир ўтказган бўларди. Биз бу билан ҳаммалари ёппасига истеъфога чиқишсин демоқчи эмасмиз, аксинча, Волгоград, Тюмень, черниговлик раҳбар коммунистларнинг тақдиридан хулоса чиқариб, масъулиятни янада оширишса демоқчимиз.

Яна бир муҳим воқеа мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва тараққиётга бағишланган жаҳоншумул анжумандир. 1988 йил апрель ойида Оксфорд шаҳрида бўлиб ўтган биринчи конгрессда 64 мамлакатдан 200 дан ортиқ парламент аъзолари ва руҳонийлар, олимлар ва журналистлар иштирок этган эди. Ўшанда якунловчи декларацияда анжуман қатнашчилари ядровий, экологик ва бошқа катта миқёсли хавфга қарши биргаликда курашишга ва умуминсоний қадриятларни муқаддас деб билишга қарор қилган эдилар. Бу сафарги конгрессда мингга яқин киши қатнашди. Унинг иштирокчилари орасида БМТ Бош секретари Перес де Куэльяр, ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор, таниқли давлат ва жамоат арбоблари бор эди. Анжуман қатнашчилари ҳузурида ўртоқ М. С. Горбачев нутқ сўзлади. У ўз нутқида инсониятга ядро уруши сингари экологик хавф ҳам жиддий таҳдид қилаётганини, бу хавфга қарши курашда жаҳондаги барча мамлакатларнинг ҳамкорлиги ниҳоятда зарур эканлигини таъкидлади.

Москванинг жануби-шарқида жойлашган мўъжазгина хонадонда яшаётган Лариса Черкасованинг ясаган илк ҳайкалчалари анча машҳур бўлиб кетди. Ҳатто одамлар уникига келиб, бу юксак санъат намуналарини сотиб олиш истагини билдиришмоқда. Лариса харидорларга бир кулиб: «Ие, халқнинг санъатини ҳам пулга сотиб бўларканми!» деб жавоб беради.

СУРАТДА: Лариса ўз қўли билан яратган эртаклар оғушида.



ХОРИЖДА



Насриддин МУҲАММАДИЕВ,

Халқаро шарҳловчи.

ЎЗГАРАЁТГАН ДУНЁ

Кейинги пайтда диққат-эътиборимиз мамлакатимиз ичкарисидаги воқеаларга кўпроқ қаратилмоқда. Иттифоқимиз жумҳуриятларида кечаётган жўшқин воқеалар, миллий низолар, жамиятни янгилаш йўлидаги курашлар жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам синчковлик билан кузатиб турилибди. Айни пайтда чет эллардаги воқеаларга қизиқиш бир қадар сусайгандек туюлади. Ваҳоланки, халқаро миқёсда ҳам жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеалар рўй бермоқда. Яқиндагина ўз ишини тугатган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 44-сессияси бунга мисол бўла олади. Бугунги кунда 159 мамлакатни бирлаштириб турган бу нуфузли халқаро ташкилот жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш, ядро ҳалокати ҳавфининг олдини олишда муҳим роль ўйнамоқда. Бўлиб ўтган сессия иш якунлари буни яна бир бор исбот этди. Унда ядро қуролини батамом йўқотиш, кимёвий қуролни таъқиқлаш, оддий қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш сингари масалалар қизғин муҳокама қилинди. Халқаро ҳамжамият аъзолари қуролсизланиш бўйича олиб борилаётган икки томонлама Совет — Америка музокараларини қизғин қўллаб-қувватладилар. Сессияда ядро синовларини ялпи таъқиқлаш юзасидан бир қатор резолюциялар қабул қилинди. Совет Иттифоқи бу қарорларни маъқуллаб, АҚШ ҳам унга риоя қиладиган бўлса, синовларни дарҳол тўхтатишга ҳозир эканлигини таъкидлади. Совет ва Америка делегациялари биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотини қўллаб-қувватловчи ташаббус билан чиқдилар. Бу ташаббус барча давлатлар томонидан маъқулланди. Шунингдек, регионал можароларни бартараф этиш масаласи ҳам кун тартибида турди. БМТ Бош секретари Перес де Куэльяр Афғонистондаги можарони тинч йўл билан ҳал қилиш борасида катта жонбозлик кўрсатмоқда. Марказий Америка Саҳрои Кабирнинг ғарби муаммолари борасида ҳам сессияда махсус қарорлар қабул қилинди. Бир қатор қўшилмаган мамлакатлар ташаббуси билан 90-йилларни Халқаро ҳуқуқ ўн йиллиги деб эълон қилишга келишиб олинди.

Шарқий Европа мамлакатларидаги сиёсий ўзгаришлар жаҳон матбуотининг ҳамон диққат марказида турибди. Албатта буржуа матбуоти бу жараённи социализмнинг инқирози деб баҳоламоқда. Аслида эса бу воқеалар социализмга янги ҳаёт бахш этиш, унинг ички имкониятларини қидириб топиш, ҳарбий социализмдан демократик социализмга ўтиш йўлидаги изланишлардир. Совет Иттифоқида бўлгани каби Шарқий Европа мамлакатларида ҳам бюрократик ва марказлашган бошқарув методлари экономикани тамомила издан чиқарган. Шунинг учун ҳам халқнинг маълум қисми вужудга келган тангликда ана шу мамлакатлар тепасида турган партияларни айбламоқда. Бўлиб ўтаётган намойиш ва митингларда худди ана шундай фикрлар билдирилъяпти. Табиийки бу ҳол коммунистик ва ишчи партиялари обрўйига жиддий зарар етказмоқда.

Чехословакия коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Могорита журналистларга берган баёнотида ҳозиргача 130 минг киши партиядан чиққанлигини эътироф этди. Чехословакия ҳукумати раҳбари М. Чалфа, унинг биринчи ўринбосари В. Комарек ҳам партия сафидан чиққан. Партия аппарати тез суръатлар билан қисқартирилмоқда. Ҳозиргача партия аппарати 80,3 фоизга, Марказий Комитет аппарати эса 78 фоизга қисқарган. 10 январда эълон қилинган маълумотларга кўра, Чехословакияда 22 та сиёсий партия мавжуд. Уларнинг айримлари таъсис ва ташкил топиш жараёнида.

Варшавада Польша Бирлашган ишчи партиясининг XI — охирги съезди бўлиб ўтди. Анжуманда партия ўз фаолиятини тўхтатганлигини эълон қилди. Унинг издоши бўлган янги партиянинг биринчи конгресси эса қизғин баҳслар саҳнасига айланди. Янги партия ҳам меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши, демократия ва ижтимоий адолат принципларини қатъият билан ҳаётга тадбиқ этиши зарурлиги таъкидланди.

Матбуотда ва оммавий ахборот воситаларида турли сиёсий гуруҳлар Польша Бирлашган ишчи партияси ва умуман мамлакатнинг 45 йиллик социалистик йўлига қора бўёқ чаплашга уринмоқдалар. Аммо партия ҳозирги пайтда ҳам мамлакатдаги энг йирик сиёсий куч бўлиб, икки миллиондан ортиқ аъзога эга. Польшада ҳам партия аппаратини қисқартириш бўйича иш олиб бормоқда. Ўтган йилнинг ўрталарида аппарат аъзолари 12 минг 382 киши бўлган бўлса, бу йил 1 январда 7 мингдан сал ортиқ партия ходими қолди. Гарчи, партия ўтган йилги парламент сайловларида ўзининг раҳбарлик ролини йўқотган бўлса-да, прогрессив иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Биринчи таъсис конгрессининг делегатлари кўпчилик овоз билан Польша сўл кучлари янги партиясининг номини Польша жумҳурияти социал демократик партияси деб аташга қарор қилдилар. Конгрессда янги партиянинг программ баёноти ва устави лойиҳалари маълум қилинди. Унинг келгусидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва халқаро соҳалардаги фаолият йўналишлари белгилаб олинди.

Руминияда мамлакатнинг собиқ раҳбарияти аъзоларини суд қилиш давом этмоқда. Жаъми Чаушеску ҳокимиятининг аъзолари бўлган 31 киши тергов қилиняпти. Улар халққа қарши таъқиб ва зўравонлик қилганликда айбланмоқда. Миллий нажот фронти кенгаши аъзолари ўртасида ҳам келишмовчиликлар вужудга келди. Кенгаш раисининг биринчи ўринбосари Думетру Мазилу истеъфога чиққанлигини маълум қилди. У ўз қарорини изоҳлаб, ҳали бошқарувда сталинча методлар ва амалиёт сақланиб қолмоқда, деб таъкидлади.

Бизнинг матбуотимизда, қолаверса, Шарқий Европа мамлакатларида ҳам кўп йиллар давомида капиталистик мамлакатлар зулм ва зўравонлик манбаи, ҳарбий хавф ўчоғи деб таърифлаб келинди. Аммо эндиликда биз тамомила бунинг тескарисини айта бошладик. Чет эллардаги ҳаёт ва фаровонликни намуна қилиб кўрсатмоқдамиз. Капиталистик жамиятни идеаллаштириб юборяпмиз. Агар капитализм ана шундай мукаммал бўлганида марксизм таълимоти жаҳонда бу қадар кенг ёйилмаган, Октябрь инқилоби амалга ошмаган бўларди. Неча-неча авлодлар адолатли ва фаровон жамиятни орзу қилиб келдилар. Афсуски, ер юзида ҳали идеал жамият яратилган эмас. Бизнинг бугунги ҳаракатимиз, қайта қуришдан кўзлаган мақсадимиз ҳам жамиятимизни ана шундай мукаммал қуриш йўлидаги уринишдир. Шарқий Европада ҳам худди ана шундай жараёнлар кечмоқда. Социалистик ҳамдўстликнинг янада такомиллашган ва самарали шакли вужудга келади деб умид қиламиз.

«Болалар ўзларининг келажагини ёшлигиданоқ яратадилар» — деб ёзади Англиянинг «Нью сайентист» журнали. Ҳатто, кўпчилик одамлар фарзандларининг қандай ўйинларга ва ўйинчоқларга бўлган қизиқишларини кўриб, келгусида қайси соҳани эгаллашини айтиб бера олар экан.

СУРАТДА: журнал саҳифаларида эълон қилинган шундай расмлардан бири.

ТАСС суратлари.



Ёшлар ижоди



Олимжон БЎРИЕВ Тожикистон ССРнинг Ленинобод вилоятида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетида таҳсил олган.

Унинг шеър ва таржималарини ўқигансиз.

ДЎСТИМ

Успиринлик — уйғониш даври,
Тинч яшашга бермади имкон.
Дўстим, бизни икки томонга
Бурди қалбда қўзғалган бўрон.
Оҳ, нимадан бўлсак умидвор,
Доим кетар биздан йироқлаб.
Хазонларни ёнганида қор,
Дўстим, бордим сени сўроқлаб.
Тополмадим, намли кўзлардан
Билдим, жангда шаҳид бўлибсан.
Наф йўқ энди гўзал сўзлардан,
Сен бурчингни ўтаб ўлибсан.

Қабринг узра битик мармарда,
Дебсан: «Қўлим кетмас ёқамда,
Мен абадий ўлмаслик учун
Жангга кирдим қўрқмай ўлимдан».
Сен мард эдинг ва байналмилал —
Бурчинг ўтаб бординг довулда.
Оҳ, жасадинг қайтди бемаҳал,
Лекин бошинг қолди Кобулда.
Ёшликдаги армонларимиз,
Кетар, қайтмас, биздан йироқлаб,
Худди бошсиз қайтган шаҳидни,
Келмагандай боши сўроқлаб!

* * *

Чиқди тундлиғ бирла ранжиб ул гўзал дарсхонадан,
Орланиб гўёки шамлар бекаси парвонадан.

Юзлари ойдек чарақлаб, дилга равшанлик берур,
Лаблари гул ғунчасию, тишлари дурдонадан.

Ёш ниҳолдек қомати кокиллари ўртайди дил,
Ҳажрида соғ бир йигитнинг фарқи йўқ девонадан.

Қошлари ёйдек эгилган, сурмакўз, мижгони ўқ,
Қатл этарга фарқ этолмас дўстни бегонадан.

Кечани кундуз қилурман мижжа қоқмай ҳажрида,
Юзларим гоҳо шафақгун бўлди ашкнинг қонидан.

Эрталаб борсам турибдир икки миршаб ов кутиб,
Ноумид қайтдим изимга нонлож майхонадан.

Бир замон ишқ ўтига таскин эди аччиқ шароб,
Энди ичмак манъ этилган, йўқ даво паймонадан.

Дил жароҳатлар китобидур, ани уқмоқ керак,
Бу ғазал Олим деган бир ошиқи сўзонадан.

* * *

Ғеир ҳансирайди
Томирларимда
Қонимга қоришган
Ўжар ҳисларим.

Садоқатдан сўзлар
Лекин аслида,
Сотқинга ўхшайди
Баъзи дўстларим.

Нафратимни ошкор
Айтолмаганда,
Ҳайрият бор экан —
Айтди кўзларим.

Бугун ўтмишимни
Ўйлаган сайин
Дилда янгиланар
Чандиқ излари.

Ватанни севдим-ку
Гуллари билан,
Тупроғини ўпдим
Титраб тизларим.

Умримнинг буёғи
Қандоқ кечаркин?
Елга кетмаса бас
Айтган сўзларим.

Олимжон БЎРИЕВ

Бугун Тошкентда Урта Осиё ва Қозоғистон ёш кинематографчиларининг семинар-кенгаши очилади. Анжуман арафасида мухбиримиз Тошкент шаҳар ижроқўми маданият бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Қиём Дониёров билан суҳбатлашди.

— **Аввало муштарийларни бошқарма ва кинотеатрларнинг иш услуби билан таништирсангиз?**

— Бир қарашда буни илғаш қийин. Кинотеатрларимизни прокат фильмлар билан таъминлайди. Унинг эвазига йилига қарийб 2 миллионга яқин пул тўланади. Улар йилига 250 янги фильмни сотиб оладилар. Шундан 100 таси чет эл маҳсулотидир. Экран юзини кўрадиган фильмларни ўша прокат ҳузуридаги репертуар комиссияси ҳал қилади. Комиссия аъзолари орасида касаба союз ходимлари, шаҳар партия қўмитаси вакиллари ва кино санъатига оид мутахассислар бор. Улар ҳар ойда бир марта йиғилиб, фильмларни тақсимлашади. Лекин гап бошқа томонда. Бизга белгиланган йиллик план 8 миллион сўмдан ортиқ. Кейинги вақтда видеосалонлар ҳам қўшилди. Лекин шу пулнинг тенг ярми давлатга тўланади. Бир қисми маҳаллий бюджетга қолади. Бу деган сўз ана шу пулни топиш учун бизнинг ибора билан айтганда даромад келтирмайдиган ленталарни («Ўзимизнинг фильмлар») камроқ қўйиб, шов-шув бўладиган ленталарни кўпроқ айлантиришга мажбур бўламиз. Фильмлар асосан кинотеатрлар тутган ўрни юзасидан бўлинади. Масалан, Санъат саройи биринчи, «Чайка» кинотеатри иккинчи ва ҳоказо. «Бозори чаққон» ленталар биринчи галда ана шу кинотеатрларга қўйилади. Чунки буларга белгиланган план ҳам бошқаларникидан юқори.

— **Видеосалонлар ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдим?**

— Шахсан мен видеосалонларнинг бўлмаслигини истардим. Бизда Ғарб мамлакатларига кўр-кўрона эргашиш одати кўпинча ёмон натижалар бераяпти. Чунки видео масалан, Қувайтда ҳар бир хонадонда бор. Лекин оддий (бизнинг телевизорга ўхшаб) жиҳозга айланган. Иш тарзига, тарбия тарзига салбий таъсир ўтказмайди. Бизда бўлса, шундоқ ҳам ёшларнинг тарбиясини жиловлай олмаётгандик, ундан баттар бўлди. Бунинг устига қанчадан-қанча йигитларимиз видео қурбони ҳам бўлди. Баъзилар ундан бизнес қилишаяпти. Фикримча, видеосалонлар бизга тўғри келмас экан. Фойдаланган тақдирда ҳам тўй, маросимлар учун ёхуд ота-она, боболарнинг ҳаётини йиллар оша авлодларга ибрат тарзида кўрсатиш учун фойдаланиш мумкин, холос.

МЕНДА ИХТИЁР БЎЛСА...

— **Кейинги пайтда шаҳримиз экранларида халқимизнинг ҳаётини, урф-одатларини, ибратомуз тарихини ўзида тўла акс эттирган «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий», «Ўтган кунлар», «Маҳаллада дув-дув гап», «Ёр-ёр», «Мафтунингман» каби фильмлар кам қўйилаётганининг боиси нимада?**

— Бу саволингиз ҳам юқорида айтганимдек планга бориб тақалади. Биз гоҳида шунга уриниб ҳам кўрдик. Лекин томошабин кирмади. Кинотеатрлар плани ўз-ўзидан қолиб кетди. Яна шу нарсани айтмоқчиманки, фильмларимизнинг кўпчилиги қайта тикланишга муҳтож. Улар бир-икки нусхада давлат фильмлар фондида Москвада сақланади. Айрим ленталар хиралашиб кетган. Агар эсласангиз комедия ленталари авваллари кўп намойиш қилинарди. Телевизорда ҳам, экранларда ҳам. Ҳозир эса ойда, йилда бир кўрсатилади. Тўғриси ёшлар тарбиясини такомиллаштириш учун ўзимизнинг асл ўзбек фильмларимизни, қардош Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон фильмларини намойиш қилсак фойдадан холи бўлмаслигига ишончим комил. Бу борада айрим тадбирларни ўйлаб турибмиз.

— **Сезаётган бўлсангиз экранларимизда кўпроқ «ялонғоч фильмлар» намойиш этиляпти. «Кичик Вера» фильми хусусида ҳатто марказдаги ота-оналар ҳам салбий фикрлар айтишди. Телевизорда эшитдик. «Комсомольская правда» газетасида ҳам ёзишди. Шундай бўлсада, яқинда «Қозоғистон» кинотеатрида шу фильм афишасига кўзим тушиб қолди.**

— Бу борада дастлабки эътирозни «зангори экран»га айтгим келади. Кечагина кўзингиз тушдими, йўқми, Марказий телевидение орқали фоҳишалар ҳақида кўрсатув берилди. Шундай бўлган, экран ҳақида нима дейиш ҳам мумкин. Шундай фильмлардан бири «Кунларнинг бирида Америкада» фильмини прокат 5 минг сўмга сотиб олган. Назаримда йигит-қизларимиз одоб-ахлоқига 5 минг сўмлик путур етказадиган нарса сотиб олинган. Лекин уни кўрсатишга мажбурмиз. Бундай фильмларни прокат комиссияси аслида ўтказмаслиги лозим. Ёдингизда бўлса, авваллари йигит ва қизлар ўртасидаги муносабат, самимият ва муҳаббат муқаддас туйғу ҳисобланарди. Биз мактабда ўқиб юрган даврларда ўғил ва қиз болалар алоҳида мактабларда ўқирдик. Қиз болани кўришнинг ўзи ҳар бир йигитга қандайдир ғурур бағишларди. Унинг қўлини ёки сочини ушлаб олиш орзу бўлиб эди. Ҳозир-чи, эҳ ҳе нимасини айтасиз. Ҳали ҳам бўлса ўша пайтдаги қиз ва йигит, ота-она ва фарзанд, катта-кичик ўртасидаги ҳурмат меъёрини белгилаб турган илоҳий нарсани топмасак, бўлмайди.

Масаланинг иккинчи томони яна шундаки, ўша фильмларни биз кўрсатмасак, бари бир эрта-индин «зангори экран» кўрсатади. Шунинг учун Ўзбекистон телевидениеси ҳам ўз фаолиятига айрим ўзгартишларни киритса, балки бирор натижага эришармидик. Ахир инсоний туйғулар энг улуғ, энг буюк ҳисобланиши керак. Ундай туйғуларни «бозори чаққон» қилиб экранлаштириш кўриб турибсиз, қандай натижаларга олиб келяпти: «Кичик Вера», «Кунларнинг бирида Америкада» ва бошқа ўнлаб фильмларни очиқчасига ифлослик, даҳшат дейиш мумкин. Бундай нарсалар ҳеч қачон бизнинг экранларимизга чиқмаслиги лозим.

— **Бўлмаса нима мажбур қилади, уларни қўйишга.**

— Кейинги пайтларда бундай масалалар тез-тез кўтарилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис яна айтаман. Биз халқимиз маданиятини қадрлашимиз лозим. Ҳозир бўлса маданият ҳисобига бойиш режалаштирилган (бу ўринда белгиланган планни назарда тутаяпман). Аксинча, маданиятимизни ривожлантириб, бугунги кунда энг зарур, энг муҳим ёшлар тарбияси соҳасида минг ва миллионларни сарфлашимиз зарур. Тарбияга дахлдор қисқа метражли ленталарни ҳатто мактаб тарбия дарсларида кўрсатилса яхши бўларди.

— **Жумҳуриятимизда ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан ҳар бир соҳада айрим тадбирлар амалга оширилмоқда. Сизларда-чи?**

— Тўғриси бизда буни амалга ошириш бироз мураккаб бўлаяпти. Чунки ўзингизга маълум, бизда фильмлар фақат рус тилида яратиларди, шу пайтгача. Ҳатто ўзбек тилидаги сценарийлар рус тилига таржима қилинарди. Ҳозир «Ўзбекфильм»да ҳам дастлабки қадамлар қўйилаяпти, чоғи. Ўз навбатида биз маҳаллий аҳоли кўпроқ яшайдиган Кўкчадаги «Шайхзода» номли, Хастимомдаги «Ғафур Ғулом» номли кинотеатрларни ўзбек кинотеатрларига айлантираяпмиз. Кейинчалик буларнинг сони кўпайиши аниқ. Уларда кўпроқ «Ўзбекфильм»нинг ҳамда қардош жумҳуриятлар маҳсулотлари фақат ўзбек тилида намойиш этилади. Яна кино санъати соҳасида кўп йиллардан буён фаолият кўрсатаётганим учун бир нарсани таъкидламоқчиман. Кино студиямизда Мелис Абзаловдан бўлак режиссёрларимиз деярли ўзбек тилини билишмайди. Бу ҳам яратилажак фильмларга таъсир қилмасдан қолмайди, албатта. Агар менда ихтиёр бўлса «Искра» кинотеатрини ҳужжатли фильмлар намойиш этиладиган экранга айлантирардим. Минг-минг сўмлаб сарфланиб, бунёдга келган ва марказда қабул қилинмасдан қолиб кетаётган ленталар («Катта урушдаги кичик одам») ўрнига ҳали сиз юқорида айтган «Тоҳир ва Зуҳра», «Семурғ» сифат ленталарни кўпайтирардим. Лекин ишонаманки, биз шундай қилмагунимизча, кўзлаган натижаларимизга эришишимиз мушкул. Бугун очилажак семинар-кенгашда шулар хусусида ҳам гап борса, ажаб эмас. Чунки семинарда ёш, иқтидорли кинематографчилар фикр алмашадилар.

— **Бизнинг ниятимиз ҳам худди шундай. Экранларимиз кунба-кун хиралашиб эмас, меҳнатсеварлик, бокиралик, покизалик, ҳурмат ва муҳаббат туйғулари аксида ёркинлашиб борсин.**

Муқаддас АБДУСАМАТОВА.

Маданият янгиликлари

МОСКВАГА — КЎРГАЗМАГА. Пойтахтда очилаётган Бутуниттифоқ «СССР Халқ санъати» кўргазмасига Тошкентдан контейнер жўнатилди. Контейнерга жумҳуриятимизга бағишланган бўлимда намойиш этиладиган асарлар, Ўзбекистонда кенг тарқалган халқ ҳунармандчилиги барча турларининг намуналари ортилган. Булар кулолчилик буюмлари, ёғочга ўйиб ишланган нақшлар, каштачилик, мисгарлик буюмлари, локланган миниатюралардир. Сопол буюмлар, шу жумладан Самарқанд ва Бухородан келтирилган майда пластмасса буюмлар, айниқса, кенг намойиш этилади.

* * *


ТОШКЕНТ консерваториясининг талабаси Зуҳра Каримовага С. Рахманинов номли Бутуниттифоқ пианиночилар конкурсида Ўзбекистондан вакил бўлиш ҳуқуқи берилди. Пианиночи профессор Офелия Юсупованинг шогирдидир. Ўтган йили у ёш ижрочилар жумҳурият конкурсида лауреат бўлган эди.

* * *

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» киностудиясида режиссёр В. Жирнов билан рассом О. Тяжелова ҳамкорлигида суратга олинган мультипликацион қўғирчоқ фильми «Музлик» деб аталди. Фильм тоғда адашиб қолган кишининг музлик билан олишуви ҳақида ҳикоя қилади.

Композитор Э. Немерович ёзган мусиқа туфайли фильм шеърий жозибага эга бўлган.

(ЎзТАГ).



Матназар Машарипов асли хивалик. Болалигидан спортни яхши кўрарди. У ҳозир Тошкентдаги спорт-интернат мактабининг 11-синфида ўқияпти. Ўз вазни бўйича Ўзбекистон чемпиони.

Суратда: умидли штангачимиз М. Машарипов машғулот пайтида.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга олган.

Меросимизни ўрганамиз

ЁРИНГНИ АЗИЗ ТУТ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шарқшунослик институти қошидаги қўлёзма ва тош босма китоблар фондида кўпгина нодир китоблар сақланиб келмоқда. Бу қўлёзма ва тош босма асарларда тарих, тиббиёт, фалсафа, исломнинг келиб чиқиши ва бошқа фан соҳаларига оид маълумотлар мавжуд. Шу билан бирга қўлёзма ва тош босма асарларда одоб ва ахлоқ ҳақида буюк алломаларнинг фикр ва мулоҳазалари ёзиб қолдирилган.

Ана шу фондда сақланиб келаётган «Одоби муслимин» китоби 1914 йил Тошкентдаги тош босма нашриётларнинг бирида туркий тилда чоп этилган. Бу китобнинг муаллифи Сирожиддин Маҳдум Сиддиқийдир.

Эътиборингизга «Одоби муслимин» китобига кирган насиҳатлардан ҳавола этишни лозим топдик.

ЛУҚМОН ҲАКИМНИНГ ЎҒЛИГА ҚИЛГАН НАСИҲАТЛАРИ

Эй ўғлим, ҳар нарса қилсанг бу насиҳат билан қил: Кишини ҳақини адо қил, ўз хизматига бориб сўзла, халқни қадрига ет, сирингни пинҳон тут, ҳар кишини аччиғи чиққанда синагил. Аччиғини ютса одамни яхшироғи шудир. Нодондан қоч, донони дўст тут. Яхши ишга жадду-жаҳд қил, сўзни ҳужжат билан сўзла. Бир ишни бошлашда доно билан кенгаш туз, йигитликни ғанимат тут, йигитликда икки дунё сармоясини қўлга келтир. Ёрингни азиз тут, харжни беандоза қилма, юзингни очиқ тут, ота-онангни азиз тутиб, уларнинг хизматини ўзингга вожиб бил. Устозингни ҳурмат қил, сахийликни ҳамиша қил. Ўтган хусуматни ёдлама, ҳар ишни тадбир бирла қил, бировни ғийбат қилма. Кучингни бировга кўрсатма, кун чиқар маҳалда ётма, аччиқ бирла сўз айтма. Улуғлар сўзига қулоқ сол, фарзандингга илм ва одоб ўргат. Сўзласанг оҳиста сўзла, олдига келганини емоқ ва оғзига келганини демоқ ҳайвон ишидир. Ҳар ниманики ўзингга раво кўрмасанг, ўзгага ҳам раво кўрма. Бир ишни билиб қил, билмаган ишга устодлик қилма. Бола бирла хотинга сирингни айтма, андиша иш қилма, бахилдан яхшиликни кутма. Бегонанинг уйида кадхудолик қилма (корчалонлик), эгагингни қўлингга таянмаки ғам келтирур, меҳмонни ишга буюрма, меҳмон олдида бировга аччиқ гапирма. Ҳар киши иш буюрса билсанг ноз қилма. Кўрмаган ерга борма, билмаган ишни қилма, ваъдага вафо қил, ёмонлар билан ўтирма. Ҳар ким бу насиҳатга амал қилса муроди мақсадига етар.

Маҳмуд УМАРОВ,
шарқшунос-филолог.



Андижон шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Ёшлик» пионер ва ўқувчилар саройининг вилоятда ўз ўрни бор. Бу ердаги мавжуд тўгараклар кашшофларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Яқинда ушбу масканда яна бир тўгарак — «Ёш дуторчилар» иш бошлади. Бу тўгаракка шаҳар мактабларидан 30 нафардан ошиқ ўқувчи қатнамоқда. Улар қисқа муддатда 10 дан ортиқ куй ва қўшиқларни ўзлаштириб олдилар. «Булбулгинам», «Гилос», «Чеварлар қўшиғи», «Бахтиёрлар қўшиғи», «Лола рақси» шулар жумласидандир.

Тўгарак раҳбари Ойгул Самиева ёш музика ихлосмандларига дутор чертиш сирларини маҳорат билан ўргатмоқда.

СУРАТДА: ёш дуторчилар.
Суратчи Аъзамжон МИРЗАЖОН.

Билса ҳазил, билмаса чин

«ТУШАДИГАНЛАР ОЛДИНГА ЎТСИН!»

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИШ АВТОТРАНСПОРТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ажойиб давримизни, ажойиб сўзлар билан атаймиз: техника асри, космос асри, илм-фан асри... Бунинг ёнига яна асабни бузиш асри деб қўшиб қўйилса, чамамда, тўғри бўлур эди. Хуллас, эрталаб уйдан чиқиб, кечқурун уйингга боргунингча, ундан то ухлагунингча, майдачуйда нарсаларга тажанг бўлаверасан киши.

Айниқса, шаҳар транспортини айтмайсизми? Эрталаб ишга шошасан, ҳадеганда автобусдан дарак йўқ. Ниҳоят бир амаллаб итар-итар қилиб, унга чиқиб ҳам олдинг. Бир оёқлаб зўрға келаяпсан.

— Ҳозир тушасизми, ака? — деб сўрайди сиздан ён атрофдагиларни икки томонга зўр-базўр суриб олд эшик томон интилаётган барваста йигит.

— Йўқ, ундан кейингисига, — жавоб беради кичик гавдасини бир четга олиб иккинчи йўловчи.

Бекатга келгач, автобус бир силкиниб тўхтайди. Узун «Икарус»нинг орқа томонидан «сурил-сурил» бошланади. Кимкимнидир оёғини босади, кимнингдир пальтосининг тугмаси узилади, кимнинг дир биқинига туртки тегади.

Бугун ҳам шундай бўлди. Автобус одамлар билан тўла. Ёшгина ҳайдовчи ҳар бекатда тўхташдан аввал микрофон орқали дўриллаган овоз билан эълон қиладди: «...да тушадиган ўртоқлар, олдинга ўтинглар. Автобус кондукторсиз, ижара пудратида ишлайди. Пулни нақд тўланг».

Навбатдаги бекатда ҳам ҳамма олд томондан тушди. «Ўрта эшикни оч, орқани ҳам», деб бақириб-чақирганларнинг гаплари бўғзида қолди. Яна одамлар оқими олди эшик томон йўналди. Бола кўтарган аёллар, қари-қартанглар, ёшлар бир-бирини суриб пастга туша бошлашди.

— «Меники служебний», «Менда карточка бор», «Орқа эшикни очиб юборинг», — йўловчиларнинг гапи яна инобатга ўтмади. Автобус ўрнидан қўзғалиб, энди тезлигини ошира бошлаган эди орқа томондан кекса аёлнинг чинқириги эшитилди.

— Тўхта болам, тўхта. Мана «карточкам» бор. Оёғим оғрияпти. Олдинга ўтолмаяпман.

Олд томондагилар ҳай-ҳайлашиб, автобусни тўхтатишди, шунда ҳам шофёр йигит орқа эшикни очмай, кампирни олдинга ўтишини талаб қиларди. Аёл бир амаллаб олд эшикка етиб келди.

— Мана «карточкам»! Орқа эшикни очиб юборсанг, асаканг кетармиди, болам?

Ёшгина шофёр йигит унга жавобан жаҳл билан баланд овозда бақира кетди:

— Асакам-ку кетмайди, лекин план нима бўлади? Буни ижара пудрати дейдилар. Ҳамма эшикни очаверсам, одамлар шундоқ тушиб кетаверишса, нима, планни чўнтагимдан тўлайманми? Э, сизга ўхшаган «карточкалилардан» ўргилдим.

Аёл ҳайдовчи билан тортиша-тортиша пастга тушди. Унинг сўнгги сўзлари қулоғимга элас-элас чалиниб қолди:

— Ҳаҳ болам-а, ижарангга ўт тушсин!

Зиёвуддин ОРТИҚХЎЖАЕВ.

ТВ

7 ФЕВРАЛЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Химия. Кимёвий реакцияларнинг турлари. 12.00 «Мис тоғ бекаси». «Чин дўстлар». Мультфильмлар. 12.30 Умумий биология. Экология предмети ва вазифалари. 13.00 «Зўр ўтирибмиз!». Бадиий фильм («Мосфильм»).

* * *

17.30 «Дедуровка: қишлоқ педагогикаси саҳифалари». «Ялпиз исли туш». Ҳужжатли фильмлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим». 18.40 «Депутатликка номзодлар». ЎзССР халқ депутатлигига номзод, «Ўзбексельмаш» заводининг ишчиси Акбар Юсупов ҳақида телеочерк. 19.00 «Хотира» туркумидан. Рафиқ Мўмин Таваллудининг 90 йиллигига. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ижара шарофати». «Ташводстрой» трести 5-кўчма механизациялашган колоннасида ижара пудрати тажрибаси ҳақида. 20.00 «Алифбо сабоқлари». 2-кўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ёш ижрочилар концерти. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 Ойбек. «Навоий». Кўп серияли телевизион видеофильм. 9-қисм. 23.10 Янгиликлар. 23.15 Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ II

19.05 «Турар-жой — 2000». Самарқанд вилоятида уй-жой қуриш тажрибасидан (рус тилида). 19.35 Teлетомошабинларнинг талабларига биноан. «Оқ бўрилар». Бадиий фильм («ДЕФА», ГДР). 21.15 «Доноликда неки мужассам бўлса». Ҳужжатли телефильм.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Бор бўл, мусиқа!». 9.35 «Васька». Уч серияли телевизион бадиий фильм («Ленфильм»). 1-ва 2-сериялар. Премьера. 11.55 «Дунё бўйлаб». Альманах. 12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.30 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Машъала ва ниқоб» (Шри Ланка).

* * *

16.00 «Прелюдия». П. И. Чайковский номли Ростов мусиқа мактаби болалар камер хори ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 16.30 В. Кандинский кўргазмаларида. 17.30 «Барча даврлар мусиқаси». И.-С. Бах. Скрипка, гобой ва оркестр учун ария концерт (Болгария телевидениеси). 18.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 «Пульс-90». Биз ва экономика. 20.20 «Васька». Уч серияли телевизион бадиий фильм («Ленфильм»). 1-серия. Премьера. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Кулги кечаси». (1989 йил 31 декабрдаги кўрсатув такрорланади). 00.05 «Мен онамнинг қўлларини эслайман». Телевизион ҳужжатли фильм.

● МТ II

17.30 «Муми-Долга куз келди». Мультфильм. 17.45 Украина ССР Давлат телерадиоси. «Менинг ерим. Халқимнинг дарёси» (Киев). 18.30 «МИГ»лар ва давр». Ҳужжатли фильм премьераси (Мудофаа министрлигининг киностудияси). 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Гўзал келажак». «Меросхўрлар». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ўзини қандай тутиши керак». 20.45 «Бу омадли Новиков». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.05 Телевизион мусиқий абонемент. «Шу куннинг созандалари». Н. Штаркман. 2-кўрсатув. 21.45 «Биз ажабтовурларданмасмиз». Телевизион ҳужжатли фильм. 22.00 «Амуланга». Бадиий фильм.

«ЁШ МУХБИРЛАР» ДОРИЛФУНУНИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Дорилфунуннинг навбатдаги машғулоти шу йил 9 февраль жума куни соат 17.00 да редакция биносида ўтказилади.

«Ёш ленинчи»

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-56-61

ИНДЕКС 64607

Д — 23125.
Р — 03090.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.